ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 ноябрь Чоршанба

№ 217 (13.653). Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•



Кун сайин қуриб бораётган савдо пештахталари нафақат аҳолини, балки саноатчиларнинг ўзларини ҳам ташвишга солмоқда. Хўш, бундай иқтисодий инқироздан, мисли кўрилмаган тақчилликдан қандай қилиб чиқиш мумкин? Бу жумбоққа кўплар қатори гулистонлик тикувчилар ҳам жавоб изламоқдалар. Бунинг учун ишлаб чиқариш суръатларини оширмоқдалар. Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги номли ушбу тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Пахтаободдаги тўртинчи филиалида харидоргир кийим-кечаклар тикиб чиқаришда ёш чеварлар, айниқса, ибрат бўлмоқдалар.

СУРАТДА: корхона илғор тикувчиси Насиба Шерғозиева.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

Ўзбекистон комсомоли: съездолди мунозараси

НАЗОРАТ КЕРАКМИ?

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон жумҳурияти комсомол ташкилотининг Марказий назорат Комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон жумҳурияти комсомолининг XXIV съезди делегати Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ

Комсомолдаги назоратнинг роли ва ўрни тўғрисида тез-тез фикр юритишга тўғри келади. Бу фақат хизмат бурчим шундай бўлгани учун эмас. Менга тез-тез комсомолда умуман назорат-тафтиш ишлари, айниқса, ҳозир, комсомол ташкилотларининг демократиялашаётган ва мустақиллиги кенгайиб бораётган бир даврда керакми деб савол беришади. Ўзимга ҳам бу саволни кўп марта бериб, шундай хулосага келдим: керак, аммо яқингача бўлган шаклида эмас. Нимага? Бу саволга очиқ жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Бугун биз назорат комиссияси деган тушунчага қандай маъно киритамиз? Бу комсомол ташкилотининг сайлаб қўйиладиган комиссияси бўлиб, унга конференция ёки съезд комсомол қўмитасини тафтиш қилишга топшириқ беради. Комиссия делегатлар таркибидан сайланади. Назоратнинг бундай шакли бир қарашда энг самарали бўлиши керак. Ҳақиқатда-чи?

Биринчидан, комиссияларнинг ҳуқуқлари тор ва чекланганлиги, комсомолда юз бераётган жараёнларга ўз вақтида ва самарали таъсир ўтказишга, комсомолларнинг тез ўзгариб турган қизиқиш ва эҳтиёжларига муносабатини билдиришга йўл қўймайди.

Иккинчидан, тегишли комсомол қўмитасидан тўла молиявий ва ташкилий мустақиллик йўқдир. Бундай ҳолатда комиссия ва шу жумладан, унинг раиси ҳақиқатда комсомол қўмитасининг аппарати ва унинг биринчи котиби раҳбарлиги остида ҳаракат қилади, қўмита вазифаларини бажариш воситаси сифатида фойдаланилади.

Учинчидан, комиссияларнинг аппаратлари, маош олиб ишлайдиган ходимлари йўқдир. Яқиндагина вилоят ва ундан юқори комсомол ташкилотларида бошқа ишлардан озод қилинган назорат комиссияси раиси лавозими жорий қилинди, ноҳия ва шаҳар комсомол ташкилотларида бўлса, бу масалани ҳал қилиш ҳуқуқи комсомол қўмиталари ва уларнинг бюролари ихтиёридадир. Уларни таъминлаш учун маблағнинг йўқлиги, комсомол қўмиталари томонидан бу масалага етарли даражада аҳамият беришмаслиги, жумҳуриятимиздаги ноҳия ва шаҳар комсомол ташкилотларида маош олиб ишлайдиган назорат комиссиялари раисларининг сонини кўпайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Шу нарса ачинарлики, баъзи вилоят комсомол ташкилотлари назорат комиссиялари узоқ давр мобайнида бошқа ишлардан озод қилинган назорат комиссия раисларини сайлашни хоҳлашмайди.

Мисол учун Жиззах ва Сирдарё вилоят комсомол ташкилотлари назорат комиссияларига ўта бепарволиги натижасида бир йилдан ортиқ вақт ичида бошқа ишлардан озод қилинган раис сайлаша олишмади. Ваҳоланки, бу лавозимлар мавжуд ва БЛКЁИ МҚ томонидан маблағ билан таъминланган.

Ўйлайманки, маош олиб ишлайдиган назорат комиссия раиси мавжудлиги ишнинг сифати, самарасини оширишга зарурлигини тушунтириб ёки исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ бўлса керак.

Тўртинчидан, комиссиялар таркибини тузишда эскичасига ёндашиш, комиссиялар таркибига комсомол ишини биладиган билимдон мутахассислар эмас, балки асосан ишлаб чиқариш илғорлари, аълочи ўқувчилар, талабалар, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва бошқалар кириб қолишига сабаб бўлган. Албатта, бу ерда гап комиссия таркибига аълочи талаба, йилдан-йилга планни бажарувчи сут соғувчи, қўйларни сонини кўпайтираётган чўпон аъзо бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида эмас. Йўқ! Масала бошқа нарсада. Гап комиссия таркибига сайланган у ёки бу вакил, қанчалик комсомол фаолиятини яхшилашда фойда келтира олишида, қанчалик у комсомол қўмитаси фаолиятининг у ёки бу йўналишини ўрганишда ёки текширишда билимдон эканлигидадир. Ўз соҳасини билмаслик эса ишдан ўзини олиб қочишни, фаолсизликни келтириб чиқаради. Буни ҳар бир назорат комиссиясининг раиси тасдиқлаши мумкин. Бундан ташқари уларни сайлаб қўйиладиган органлар таркибига сайлаётган вақтимизда биз уларнинг комиссия фаолиятида қанчалик самарали ва фойдали иштирок этиш имкониятлари борлигини ҳисобга олишимиз лозим. Ахир хўжалик ҳисоби ва яқинда ўтиладиган бозор иқтисоди шароитида уларни асосий хизмат жойларидан, айниқса, бир неча кунга озод қилиш жуда мушкул иш бўлади.

Бешинчидан, комсомол иқтисодининг ривожланиши, хўжалик ҳисобида ишловчи корхоналарнинг ташкил топиши билан, кескин равишда ва бир неча бор текширишларнинг миқдори ортди, бугунги шароитларда назорат комиссиялари бундай миқдордаги вазифаларни бажара олмайдилар. Бугунги кунда жумҳуриятимизда 300 дан ортиқ хўжалик ҳисобида ишлайдиган кўп ихтисосли корхона мавжуд. Уларнинг ҳаммасини текшириш учун, амалдаги қонунларга биноан эса, молия-хўжалик фаолияти тафтишлари ҳар йили ўтказилиши лозим, юқори билимдон мутахассислар — иқтисодчилар, молиячилар, бухгалтерлар, ҳуқуқшунослар керак. Комиссиялар таркибида улар борми? Жуда кам миқдорда. Улар ҳам етарли амалий тажрибага эга бўлмаган комсомол ёшидаги йигит-қизлардир.

Мендан сўрашлари мумкин: масаланинг ечими қаерда? Мавжуд вазиятни ўзгартириш мумкинми? Ҳа! Мумкин! Албатта конференция ёки съезд қарори билан бир лаҳзада бўлмайди. Назорат комиссияларининг фаолиятини яхшилаш йўлларини биз ҳаммамиз оддий комсомол аъзосидан тортиб то вилоят, Марказий Қўмита котибигача излашимиз лозим. Ахир комсомол ҳаётини яхшиланишидан ҳаммамиз манфаатдормиз-ку.

Ҳозирги мавжуд назорат амалиёти раҳбарияти маъмурий буйруқбозлик тартиботининг хизмат механизми сифати юзага келган. У асосан аппарат ходимлари орқали амалга оширилган. Натижада назорат расмий характерга эга бўлиб, комсомол органлари ва уларнинг аппаратлари томонидан йўриқнома ва кўрсатмаларни бажарилишини текширувчи системага айланган, комсомолларнинг манфаати билан кам қизиққан. Комсомол қўмиталари ва уларнинг аппаратлари комсомолларнинг назоратидан четда қолиб кетганлар. Назорат комиссияларидан эса асосан аъзолик бадалларининг тўланишини текшириш талаб этилган.

Комсомолдаги назорат тартиботини тубдан ўзгартириш учун шундай механизм ишлаб чиқиш керакки, унда ҳар бир комсомол аъзоси ёки комсомол ташкилоти раҳбар органларга ҳар томонлама таъсир ўтказа оладиган бўлсин. Шуниси муҳимки, бу таъсир ўтказиш доимий бўлиши, комсомол тузилмасининг барча поғоналарига ва унинг вазифаларига тегишли бўлиши керак.

Шу мақсадда қуйидагиларни амалга оширмоқ лозим:

— комсомол ва комсомол ташкилотларига комсомол органларини улар тўғрисида тўла мукаммал маълумотга эга ҳолда, шахсан ишларни текширишда қатнашиш ҳуқуқларини бериш;

— назорат комиссияларининг фаолияти йўналишини қабул қилинган қарорларини бажарилишини текширишдан комсомол органлари қабул қилаётган қарорларини комсомолларнинг манфаатларига тўғри келишини текширишга қаратиш керак;

— комсомолларнинг ва комсомол ташкилотларининг назорат ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатини таъминлаш, шунингдек, камчилик ва қуйи комсомол органларининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш;

— назорат комиссияларига тегишли комсомол органлари қарорларини амалга оширилишини тўхтатиб туриш ва агар қабул қилинган қарорлар қуйи комсомол қўмиталарининг устави доирасидаги ҳуқуқларини айбдорларни жазолаш ҳуқуқини бериш.

Буларнинг ҳаммасини қандай қилиб амалга ошириш керак? Аввалига яқинлашаётган Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига тайёргарлик даврида жумҳурият комсомол назорат комиссияси томонидан комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги янги Низомни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди. Унинг ишига раҳбарлик қилишга менга ишонч билдирилди. Ишчи гуруҳи таркибига биз барча даражадаги комсомол ташкилотлари вакилларини киритдик. Ушбу Низомни ишлаб чиқишда бизнинг ишчи гуруҳ бошқа жумҳуриятлар назорат комиссиялари йўлидан бормади. Бошқа жумҳурият комсомол ташкилотларининг съездларида фақат Марказий Назорат Комиссияси тўғрисидаги Низом тасдиқланди, қуйи комсомол ташкилотлари назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш уларнинг ўзларига ишониб топширилди. Биз эса барча даражадаги комсомол ташкилотлари назорат комиссиялари тўғрисидаги Низомнинг лойиҳасини ишлаб чиқдик ва бизнинг бу қароримизни барча вилоятларимиз комсомол ташкилотлари тафтиш комиссиялари маъқуллади.

Бундай йўл тутганимизнинг афзалликлари нимада?

Биринчидан, вилоят комсомол ташкилотлари назорат комиссиялари учун ўзларининг Низомларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарурияти йўқолади, уларнинг сони 12 тага етарли. Бундан ташқари барибир жумҳурият комсомол ташкилоти Марказий Назорат Комиссияси Низом асосида ишлаб чиқилар эди. Бизнинг Низом лойиҳасини ишлаб чиқишда эса муҳокама даврида тушган барча таклифлар, мулоҳазалар ва тузатишлар ҳисобга олинган. Айтгандек, муҳокама қилиш учун Низом лойиҳаси жумҳурият комсомол ташкилотларига 3 марта юборилди. «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана» рўзномаларида чоп этилди. Биз ишлаб чиққан Низом лойиҳасига принципиал қаршиликлар бўлмади. Бир неча кун аввал вилоят комсомол ташкилотларига Низом лойиҳасининг съездга киритиладиган вариантини юбордик.

Иккинчидан, жумҳурият комсомол съездида барча даражадаги назоратга комиссияларнинг ягона Низомини тасдиқлаш орқали, биз Низом лойиҳасига киритилган талаб, ҳуқуқ ва вазифаларнинг барча назорат комиссилари ва комсомол қўмиталари учун мажбурийлиги кафолатини оламиз: вилоят, шаҳар ва ноҳия комсомол ташкилотларида бунга эришиш қийин бўларди.

Ва ниҳоят назорат системаси демократик бўлиши учун назорат қуйидагича бўлиши лозим. Бугунги кунда уни амалга ошириш механизми йўқ. Ваҳоланки, БЛКЁИ Уставига назар ташланса, комсомол қўмитасининг барча вазифалари оддий комсомол аъзоси назорати остида бўлиши керак. Аммо бу юксак мақсад-да.

Ҳаётда-чи? Назорат комиссияси бу шундай назоратда иштирок этиш учун имкониятлардан бири. Қандай қилиб, деб сўрашингиз мумкин. Жуда оддий. Масалан, тўғри менинг олдимга келиб, ёки телефон орқали қўнғироқ қилиб, текширишда иштирок этмоқчимиз дейишса, биз текширишларга хоҳлаган одамимизни иштирок эттириш ҳуқуқига эгамиз, агар шунга эҳтиёж бўлса. Бир йилдан ортиқ ишлаяпман-ку, аммо афсуски битта ҳам «қуйи» назоратчи, битта ҳам комсомол аъзоси комиссиямизга мурожаат қилмади. Балки муаммолар йўқмикан дейсиз. Уюлиб ётибди. Унда нима учун?

ТАҲРИРИЯТДАН: эҳтимол, бир неча йил ичида биринчи марта комсомолдаги назорат мавзусига мурожаат қилаяпмиз. Ҳақиқатда ҳам, нима учун кўпчилик, комсомол қўмитасини назорат қиладиган назорат комиссиясининг мавжудлигини ҳатто билмайди ҳам.

Сизнингча, назорат комиссияларининг ишида, уларнинг ҳақиқий назорат комиссиялари бўлиши учун нималар ўзгариши керак? Бу ўзгаришларсиз комсомол ҳаётининг демократлаштириш мумкинми?

Муаллифнинг ҳамма фикр-мулоҳазаларига қўшиласизми? Муҳокамага барча комсомол ходимларини, хоҳловчиларни таклиф қиламиз.

Космонавтлар учишга тайёр

Звездний шаҳарчаси (Москва вилояти). (ТАСС мухбири В. Хрустов). Ҳар иккала Совет-Япония экипажи бўлажак парвозга тайёр. Ю. А. Гагарин номли космонавтларни тайёрлаш марказининг бошлиғи, авиация генерал-лейтенанти В. Шаталов журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

Асосий экипаж командири — полковник Виктор Афанасьев (шартли номи — «Дербент»). У биринчи марта фазога парвоз қилади. Лекин Афанасьев тажрибали учувчи, тайёраларнинг қирққа яқин хили ва моделини ўзлаштирган.

Бортинженер Муса Манаров эса фазога иккинчи марта парвоз қилади. Унинг 1988 йил декабрь ойида ниҳоясига етган фазога биринчи хизмат сафари роппа-роса бир йилга чўзилган эди.

Экипажнинг учинчи аъзоси — Япон журналисти Тойехиро Акияма. У «Ти-Би-Эс» телекўрсатувлар корпорацияси янгиликлар хизмати халқаро ахборот бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлайди.

Экипажнинг иккинчи — учишга тайёрланаётган аъзолари — Анатолий Арцебарский, Сергей Крикалев ва Риоко Кикути хонимдир. Кикути хоним ўз ҳамкасби сингари «Ти-Би-Эс»да ишлайди.

Япон космонавти мўлжалланган режага мувофиқ фазода саккиз кун бўлади, шундан олти кун «Мир» станциясида ишлайди, сўнг Геннадий Манаков ва Геннадий Стрекалов билан ерга қайтади. Япон журналисти билан фазога йўл оладиган совет космонавтлари эса «Мир» станциясининг асосий саккизинчи экипажи сифатида орбитадаги ишларни давом эттирадилар. Япон журналисти фазодан бевосита телерепортажлар туркуми юборишдан ташқари, бир қанча тиббий-биологик тадқиқотларни ҳам ўтказади.

ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ. Хоразм вилоят комсомол қўмитасининг навбатдаги пленумида вилоят комсомоллари вакилларининг Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига нуқтаи назари муҳокама қилинди. Бу юзадан вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби Б. Менглиев ахборот берди. Билдирилган таклиф истаклар ўрганилиб, нуқтаи назар қабул қилинди.

Шунингдек, пленум ишида ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказқўмининг котиби А. С. Қодиров, Марказқўм комсомол ташкилотлари бўлими мудири Дубковлар қатнашдилар.

(Ўз мухбиримиздан).

Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллигига

СЎЗШУНОС ИЛА МУЛОҚОТ

ЁХУД ОЛИМ, МУАЛЛИМ, МУТАРЖИМ, МУҲАРРИР, НОШИР, ШОИР, ПУБЛИЦИСТ ВА ИНСОН ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

ЙИГИРМАНЧИ йилда йўлга чиққан илм-фан поезди, назаримда, тўхтаб қолгани йўқ, ҳамон йўлда: келажак, тараққиёт сари жадал одимламоқда. Фақат унинг йўловчилари — олим, муаллим, талабалар алмашиниб турибди. Профессор Романовский ишини академик Саримсоқов ва шогирдлари, профессор Райкова тадқиқотларини академик Мусаев ва шогирдлари, шогирдларининг шогирдлари давом эттиришмоқда. Биз илмгоҳимизнинг бой, ибратли тарихини ҳали батафсил, чуқур ёрита олганимизча йўқ. Афсонавий поездда келиб, қолиб, умрини юртимиз фани, маданияти равнақига бахшида этган, халқимизга меҳр қўйган олимлар фаолиятини теран таҳлил этолганимизча йўқ. С. Сирожиддинов, О. Содиқов, Т. Зоҳидов сингари фидойи инсонлар хотираси олдида ҳали кўп қарздормиз.

Ҳар соҳанинг ўз олими, ҳар олимнинг ўз олами бўлади. Дорилфунунда заҳматкаш, билимдон, камтар олим, муаллимлар кўп. Улар бор истеъдоди, маҳорати, қалб қўри, кўз нурини ёш авлодга бахшида этишяпти, ой сайин, кун сайин, кўзга яққол ташланавермайдиган жасорат намунасини кўрсатишяпти. Тўғри, бу катта даргоҳда ҳавойи олимлар, талабага кўп нарса беролмайдиган чала муллалар ҳам йўқ эмас. Лекин таълим-тарбияда иқлимни белгилаётган, тамал тошини қўяётганлар чинакам олим, суюкли устозлардир. Улар ҳақида рўзнома, ойномаларда мақола, суҳбатлар, радио, телевидениеда эшиттириш, кўрсатувлар берилиб, китоб, рисолалар чиқиб турибди. Лекин бу оз, жудаям оз.

Ушбу мақола Тошкент Давлат дорилфунунининг муаллимларидан бири, филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла Саломов ҳақида. Наинки, тиллар, диллар, элларни бир-бирига яқинлаштиришда таржима катта вазифани адо этади. Миллатлараро муносабатлар чирсиллаб, ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турган ҳозирги вақтда таржима янада муҳим аҳамият касб этиши, ўзига хос элчилик вазифасини бажариши аён. Таржимашунослик ишлари, ташвишлари, муаммоларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, бу савоб ишни кенг йўлга қўйишга ҳисса қўшишда Ғ. Саломов мудир бўлган, иттифоқ дорилфунунлари ичида ягона — таржима назарияси шўъбасининг ўрни, салмоғи катта.

ЕШИ ОЛТМИШНИ қоралаб қолганда, кутилмаганда... шеър ёза бошлади. Анчадан бери мақоласини кутаётган рўзномага бир туркум шеър кўтариб борди. Ўқиб кўришса — бинойидек. Икки-учтасини танлаб, расми билан бериб юборишди. Таъсирот, таассуротлар турлича бўлди. Тенгқур, дўст, жўралари: «Нима бало, қариганда бирортасини яхши кўриб қолганми?», уни ёқтирмовчи баъзи бировлар: «Бир қилмаган иши шу қолувди ўзи», назм оламини синчков кузатиб борувчи заршунослар: «Шогирди Тилак Жўра, куёви Муҳаммад Юсуфдан юққан-да» дейишди.

Бу орада бошқа бир рўзномада бир даста шеърлари берилди, радиодан эшиттирилди, бир-иккитасини ўзи телевизорда ўқиб берди. Бир шеърингизни «Америка овози»дан эшитдим», — деб гап топиб келди биров.

Ҳар бир инсон табиатан шоир, ижодкор бўлади. Лекин кўпчиликда фавқулодда зарб, силкиниш бўлмаса, бу истеъдод ғунча ёзмай, рўёбга чиқмай «шеър ўзида»лигича қолиб кетади. Сўз ва дард билан ошно одам, руҳий портлаш натижасида, шоир бўлиб қолса ажаб эмас. Бу одам... бир умр сўз билан дўстлашиб, ҳасратлашиб, баҳслашиб, олишиб, енгилиб, енгиб, йўқотиб, топиб, роҳатбахш азоб, азобли роҳатдан тотиб, сўз орқали тирикчилик ўтказиб, оила боқиб, сўз қозонида қайнаб келаётибди. Хуллас, илк тизмалари эълон қилиндию, ҳаваскорлик босқичини сакраб ўтиб, таниқли шоир бўлди-қолди. Энди шеърларини сўраб олишадиган бўлишди, бир нашриёт тўпламини чиқарадиган бўлиб турибди. «Шоир бўлиш қанча қийин, шоир бўлиш қанча осон».

«Шеърлар туркумингизни бермоқчимиз, — деди ойноманинг бўлим мудири, шоир ва публицист йигит.— Лекин муқаддима деймизми, калит деймизми, ҳар қалай, таниқли олимнинг дафъатан шоир бўлиб қолганини тушунтирадиган, ўқувчини тайёрлайдиган бир нарса керак бўлиб турибди». «Махсус бир муқаддимам йўғ-у, лекин ўзим билан суҳбат, баҳс мақомидаги бир нарсам бор, ўқиб кўринг-чи» — дея «Нега одамлар минг йил яшамайди?» номли мақола-дилномасини узатди.

«...Ҳар қандай даҳшатли зилзила ҳам саноқли дақиқаларда қиладиганини қилади. Ярим соатлик юрак ларзони, ниҳоят, тинчиб, онадан яна бир марта қайта туғилгандай бўлганимдан сўнг, хиёл енгил тортдим. Пайти келди, айтмасам бўлмас. Жудаям хил-хил «ҳаётий» инқирозларнинг садоси, ҳосиласи бўлмиш бу тангликларда менга тез ёрдамга келган 2-ҳукумат касалхонасининг жонга-жон ўнлаб фидойи шифокорлари, юзлаб ҳамкасб дўстлар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, яқин-йироқдан келган ёр-биродарлар, таниш-нотаниш одамлар, Аҳмад Кот деган қиёматлик маслакдош биродарим, номи бутун дунёга маълум бўлган руҳий муолажакор Анатолий Кашпировскийнинг меҳр-оқибати, ҳаёт эканман, ҳеч қачон, ёдимдан чиқмаса керак».

Ойнома ходими рўзномани ўқиган сари жиддий торта борди, бир лаҳза қаршисида ўтирган таниқли олимни «унутди» тин олмай ўқиди, тугатгач... кўзларида ёш айланди.

— Дардларингиз шеър бўлиб отилиб чиққани боисини энди тушундим, домла, — деди кўнгли бўшаб.

Мана, орадан таҳликали ойлар ўтди... Меҳрибон одамларнинг ҳиммати, оқибати ҳақида ўйлар эканман, уларнинг—менга эмас, ўзимнинг—уларга қанчалик бурчдор эканлигим доим фикр-ёдимни чулғаб туради.

Агар мендан: «Маслагингиз қандай?» — деб сўрашса, лўнда жавоб берган бўлардим: «Фақир киши панада». Ажабланарсиз, не, ҳозирги замонда ҳам («техника асрида-я?») фақир бўларканми, деб. Дуруст, балки бу бизнинг шиддатли замонамизда, айниқса, турли-туман манфаатлар тўқнашиб турган ҳозирги кескин даврда балки унчалик тўғри ҳам эмасдир. Билмадим. Лекин бу менинг эътиқодим. Маслак ва эътиқод бир кунда туғиладиган нарса эмас. Буни ўзгартириш қийин. Бундай маслак-эътиқод билан яшаш эса ундан ҳам оғир. Начора. Мен нотўғри яшаган бўлсам фақат ўзимнинг зиёнимга нотўғри яшадим. Аммо бошқа ҳалол одамларнинг тақдири ҳал бўлаётганда, айнан аксинча, ҳеч қачон «фақир одам панада» деб ўзимни панага олган эмасман».

Бу «панадаги фақир одам» ўттиз беш йиллик ижодий фаолияти давомида жумҳурият, шунингдек, иттифоқ рўзнома ва ойномаларида 200 дан ортиқ катта, кичик илмий, публицистик мақола, тақриз, суҳбатлари билан қатнашди ва қатнашиб, радио ва телевидениеда ботбот чиқишлар қилиб келмоқда; йигирмадан ортиқ йирик, салмоқли назарий китоб, дарслик чиқарди (шулардан «Мақол ва идеомалар таржимаси», «Тил ва таржима», «Таржима назарияси асослари», «Таржима назариясига кириш», «Таржимон маҳорати», «Дўстлик кўприклари», «Адабий анъана ва бадиий таржима», «Таржима ташвишлари» ва бошқалар кенг ўқувчилар оммаси, илмий жамоатчиликка яхши таниш); ўндан ортиқ ўқув-методик қўлланма, дастур чиқарди; ўттизга яқин китоб, тўплам, луғатга (жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк»и, Ж. Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» асарига, Ўзбек Совет Энциклопедияси сўзликлари, 1-жилдига, анъанавий «Таржима санъати» тўпламларига илмий ва адабий муҳаррирлик қилди); ўзи ҳам эллик босма табоқ ҳажмида бадиий, илмий, публицистик асарлар (булар ичида Чехов, Достоевский, Ушинский, Дорнеман асарлари)ни ўзбекчага ўгириб, бу ишнинг машаққатини чекди, азобли роҳатини туйди; асарлари, ижодига бағишлаб ўттиз бешта мақола, тақриз ёзилди, элликдан ортиқ мақола, суҳбат ва бошқа тадқиқотларда илмий, педагогик, инсоний сифатлари ҳақида илиқ фикрлар баён этилди; бир неча йил муқаддам, ҳали фан номзоди пайтидаёқ, Ўзбекистонда таржимашунослик фани асосчиси сифатида тан олинди: 1969 йили Тошкент Давлат дорилфунунида таржима назарияси кафедрасини очди ва шу кунга қадар унга бош-қош бўлиб келаётибди.

Бу «панадаги фақир одам», «Шоҳнома», «Манас», «Рамаяна», «Илоҳий комедия», «Фауст», «Декамерон», «Евгений Онегин», «Ревизор», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» ва жаҳон адабиётининг бошқа дурдоналари, Шекспир, Гоголь, Чехов, Достоевский, Айтматов шоҳ асарларининг аксарияти; маданий ҳаётда воқеа бўлган бадиий, илмий, сиёсий, публицистик асарларнинг кўпчилиги ҳақида ўз фикрини айтган, муносабатини билдирган. Бунга ўттиз беш йил ичида рўзнома ва ойнома саҳи-

Сайди УМИРОВ



3-бетга қаранг!

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг ҚОНУНИ

МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жумҳуриятнинг етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этади. Бундай шароитларда милиция ходимлари хавфсизлигини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Милиция ходимларини ўлдириш, қуролини олиб қўйиш мақсадида уларга ҳужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига аралашиш ҳоллари оз эмас. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқармоқда.

Милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. 1. Милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили эканлиги, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилсин. Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажариши мажбурийдирлар.

Милиция ходими қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

2. Милиция ходимининг кўрсатмалари фуқаролар, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равишда далилий аҳамиятга эгадир.

Зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатида милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий-ҳаракатлар белгиларига мувофиқ бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайди.

3. Милиция ходими турар-жой майдони тақсимлашда, уйга телефон ўрнатишда, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёзлардан, навбатсиз транспортнинг барча турларига билет сотиб олиш, меҳмонхонага жойлашиш ҳуқуқидан фойдаланади, шунингдек ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланади. Милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий суғуртасидан албатта ўтказилиши керак.

Милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётганлиги муносабати билан унинг мулкига етказилган зарар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўла ҳажмда тўланади, сўнгра суд орқали бу зарар айбдордан ундириб олинади.

4. Милиция ходими тартибни сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганида қасддан ўлдирганда унинг оиласига тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан унинг эллик ойлик даромади миқдорида бир йўла нафақа берилиб, сўнгра бу пул айбдорлардан ундириб олиниши белгилаб қўйилсин. Ўз боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан ҳалок бўлганлар оиласига қонунда кўрсатилганига мувофиқ пенсия белгилансин.

Милиция ходимига у ўзининг профессионал фаолияти билан шуғуллана олмайдиган даражада оғир тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағларидан 25 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айбдорлардан ундириб олиниши, шунингдек, унинг мансаб оклади билан пенсияси ўртасидаги фарқ тўланиши белгилаб қўйилсин.

Енгилроқ тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан 5 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айбдорлардан ундириб олиниши белгилансин.

II. Ўзбекистон ССЖнинг 1985 йил 13 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси (ЎзССЖ Олий Советининг ведомостлари, 1985 йил, № 35, 411-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1). 187-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «187-модда. **Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик.**

Милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш тўғрисидаги, милицияга бориш, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик, ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш бўйича ўз вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик, —

фуқароларга эллик сўмдан икки юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Худди шу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгач, бир йил давомида такрор содир этилса, —

фуқароларга ва мансабдор шахсларга беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий ҳибсга олишга олиб келади».

2) кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 187-1, 187-2, 187-3, 187-4-моддалар билан тўлдирилсин:

«187-1-модда. **Милиция ходимини ҳақоратлаш.**

Милиция ходими, терговчи, суриштирув ишларини амалга ошираётган шахсни, ёки жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш юзасидан ўз вазифаларини адо этаётган бошқа шахсларни хатти-ҳаракат билан, оғзаки ёки ёзма тарзда ҳақоратлаш ёхуд уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа ҳаракатларни атайин содир этиш, —

уч юз сўмдан беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига ёхуд иш ҳақининг йигирма фоизини ушлаб қолган ҳолда икки ой муддатгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб этишга олиб келади.

187-2-модда. **Милиция ходимларининг хизмат бурчини адо этишига қаршилик кўрсатиш.**

Милиция ходимлари ўз хизмат вазифалари ёки хизмат бурчларини адо этаётганларида уларнинг қонуний фармойишларини ёки талабларини бажармасликка исталган кўринишда ошкора даъват қилиш, шунингдек милиция ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида бўҳтон уйдирмаларни тарқатиш, —

уч юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий ҳибсга олишга олиб келади.

187-3-модда. **Милицияга нисбатан ҳурматсизлик.**

Милицияга кўрсатилган вақтда узрли сабабсиз келмаслик, милиция ходимини атайин ёлғон хабар билан чақириш, унинг хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган қонуний топшириғини бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик шаклида милицияга ҳурматсизлик қилиш, — уч юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

187-4-модда. **Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма таклифларини бажариш чора-тадбирларини кўрмаслик.**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳуқуқбузарлиқ содир этишга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма таклифларини бажариш чора-тадбирларини кўрмаслиги, —

беш юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади»;

3) 187-1, 187-2, 187-3, 187-4-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни халқ судьяси томонидан ёлғиз ўзи, материал тушган кундан бошлаб уч кун давомида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин.

4) кодекснинг 232-моддаси «187» рақамидан сўнг «187-1, 187-2, 187-3, 187-4» рақамлари билан тўлдирилсин;

5) 273-модданинг учинчи қисмидаги «Майда хулиганлик қилган, жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаган ва тарқатган, шунингдек худди шу мақсадларда мишмишлар ва уйдирмаларни тарқатган, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказиш тартибини бузганлар, моллар ёки бошқа буюмларни қонунсиз сотган ёхуд майда спекуляция қилган шахслар» деган сўзлар «170, 171, 177, 177-1, 187, 187-1, 187-2, 187-3, 187-4, 188-1-моддаларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон ССЖнинг 1959 йил 21 майдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексига (ЎзССЖ Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, № 6, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 192-1, 193-1, 194-1-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«192-1-модда. **Милиция ходимига қаршилик кўрсатиш.**

Милиция ходими ёки бошқа шахслар жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганларида уларга қаршилик кўрсатиш,—

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланадилар.

Зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш хавфини солиб қилинган худди шу ҳаракатлар, шунингдек, бу шахсларнинг хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажаришдан бош тортишга ёки очиқ-ойдин ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар қилишга исталган шаклда мажбур қилиши, —

икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

193-модда. **Милиция ходимини ҳақоратлаш.**

Милиция ходимини, терговчини, суриштирув ишларини олиб бораётган шахсни, ёки жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш соҳасидаги вазифаларини бажараётган бошқа шахсларни оғзаки ёки ёзма тарзда ҳақорат қилиш, ёхуд уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш, худди шу ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик қўлланган бир йил давомида такрор содир қилинган бўлса, —

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

194-1-модда. **Милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилиш.**

Милиция ходими, суриштирув ишларини олиб бораётган шахс, терговчи ҳаётига, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз хизмат вазифаси ёки ижтимоий бурчини бажараётган бошқа шахслар ҳаётига тажовуз қилиш, —

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Худди шу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёхуд қурол ёки бошқа предметларни қўллаш орқали содир этилса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади»;

2) кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 194-2, 194-3, 194-4, 194-5, 194-6-моддалар билан тўлдирилсин:

«194-2-модда. **Милиция ходимига тан жароҳатлари етказиш.**

Милиция ходимига ёки бошқа шахсларга улар ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини адо этаётганда қасддан енгил тан жароҳатлари етказиш, уни дўппослаш, шунингдек жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилаётган бошқа шахсларга нисбатан шундай хатти-ҳаракатларни содир этиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Милиция ходимига у ўз хизмат вазифасини ёки хизмат бурчини адо этаётганда оғирроқ ва оғир тан жароҳати етказиш, шунингдек жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилаётган бошқа шахсларга нисбатан шундай ҳаракатларни содир этиш,—

уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

194-3-модда. **Милиция ходимини қўрқитиш.**

Милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётганлиги уни ўлдириш, тан жароҳатлари етказиш, мол-мулкини йўқ қилиш билан қўрқитиш ёки бошқа ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш билан қўрқитиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

194-4-модда. **Милиция ходимини атайлаб ўлдириш.**

Милиция ходимини ўз хизмат вазифаси ёки ижтимоий бурчини бажараётганда уни атайлаб ўлдириш, —

ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

194-5-модда. **Милиция ходимининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш.**

Милиция ходими, суриштирув ишларини амалга ошираётган шахс ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахснинг фаолиятига уларнинг ўз хизмат вазифаларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда қонунга хилоф равишда аралашиш, —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёхуд уч юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

194-6-модда. **Милиция ходимининг мол-мулкига қасддан шикаст етказиш ёки уни йўқ қилиш.**

Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш вазифаларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида милиция ходимининг мол-мулкига қасддан шикаст етказиш ёки уни йўқ қилиш, —

уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўт қўйиш ёки бошқа кўпчилик учун хавфли усул билан содир этилган ёки одамларнинг нобуд бўлишига ёхуд ўзга оғир оқибатларга олиб келган бундай ҳаракатлар, —

саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

3). 7-1-модданинг иккинчи қисмидаги «Милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилиш (194-1-модда)» сўзлари «Милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилиш (194-1-модда); милиция ходимини атайлаб ўлдириш (194-4)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23-1-модданинг биринчи қисми биринчи ва иккинчи бандларидаги «Жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат ёки жамоат фаолиятини бажараётганда милиция ходими ёки халқ дружиначиси ҳаётига тажовуз қилиш (194-1-модда)» деган сўзлар «Милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилиш (194-1-модда)», «милиция ходимини атайлаб ўлдириш (194-4-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон ССЖнинг 1959 йил 28 майдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖнинг жиноят-процессуал кодекси (ЎзССЖ Олий Советининг ведомостлари, № 6, 3-модда) 108-моддасининг учинчи қисмидаги «192-194-1» рақамлари «192-194-6» рақамлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 31 октябрь.

Хориждан хабарлар

ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ САЛОНИ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС мухбири Константин Серов). Буэнос-Айресда очилган халқаро автомобиль салонида сўнгги андозалар асосида яратилган бир юз қирқта автомобиль намойиш этилмоқда.

Жаҳон автомобилсозлиги соҳасининг карвонбошилари — АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Швеция ва Япония концернлари ўзларининг энг замонавий ишланмалари ва туркум машиналарини тақдим этишган. Машиналарнинг бу ерга қўйилган намуналарида унча катта бўлмаган учар ликопчаларга ўхшаш спорт автомобилларидан тортиб то ҳозирги автомобилларнинг бундан бир неча авлод илгари яратилган аниқ нусхалари бўйича тайёрланган машиналар кенг кўламда намойиш этилмоқда.

Ҳозирги автосалоннинг олтин медалини олиш учун бир йўла бешта машина: «Шевролет, 91—С 10 Блазер», «Тоета 91 Превиа», «Мерседес Бенц 91 560СС», «Хундай 91У спорт» ва «Альфа ромео 91 164 Глд» машиналари даъвогарлик қилмоқда. Ҳакамларнинг иши ҳаммадан ҳам оғирроқ бўлади, чунки 120 минг квадрат метр майдонга жойлашган кўргазмадаги ана шу барча ажойиб машиналрдан фақат битта, энг яхшисини танлаб олишга тўғри келади, — деди журналистлар билан учрашувда автосалон директори Диего Баракчини. — Айни вақтда машиналарнинг қайси бирига афзаллик берилмасин, ундан биз ҳаммамиз — томошабинлар ҳам, мутахассислар ҳам ютамиз. Мутахассислар салондаги бир ойлик иш давомида жаҳон автомобилсозлиги илғор йўналишларини диққат билан ўрганадилар, бу соҳанинг янгиликлари билан танишадилар.

ЎПКА РАКИДАН НОБУД БЎЛАЁТГАНЛАР

ГАВАНА. (ТАСС мухбири Николай Паска). Ҳар йили 3 мингга яқин кубалик ўпка ракидан ўлмоқда. Чекиш натижасида келиб чиққан бу оғир касаллик бўйича Кубада жаҳон миқёсида энг юқори кўрсаткич қайд этилган. Куба онкология ва радиобиология илмгоҳининг мутахассиси Хильберто Флейтас шуни маълум қилди. У конгресслар саройида «Жарроҳлик—90» табобат анжумани очилишида сўзга чиқиб, хотин-қизлар, айниқса, тамакига ружу қилганликларини қайд этиб, улар бу соҳада кўпгина мамлакатлардаги ўз дугоналаридан ўзиб кетганлигини афсусланиб гапирди. Айни вақтда чекадиган эркаклар ва хотин-қизларнинг нисбати дунёда ўрта ҳисобда бешга бирни ташкил этади, Кубада эса ҳар уч чекувчининг биттаси аёлдир.

Энг аянчлиси шундаки, деб таъкидлади Хильберто Флейтас кашандаларнинг кўпчилиги бундай одатнинг қанчалик зарар келтиришини тушунишни ҳам хоҳламаяптилар. Улар, масалан, «биз энди бола эмасмиз» деб шу иш билан нима сабабдан шуғулланаётганликларини тасдиқламоқчи бўладилар. Бироқ, ўпка раки касаллиги ҳаммадан ҳам кўпроқ 55-65 ёшларда бўлишини ва шу касалга дучор бўлган ҳар 100 кишининг 70 таси ўлишини уларга эслатиш ўринли бўлур эди.

Ёшлар орасида чекувчилар сони кўпаяётганлиги, айниқса, ташвиш туғдирмоқда, деб таъкидлади мутахассис. Сигарета чекаётганлар орасида фақат йигитларнигина эмас, кўпинча қизларни ҳам учратиш мумкин.



Қимор ўйинларини ўйнаш жуда хавфли машғулотдир, деб огоҳлантиради АҚШнинг «Ю. С. Ньюс Энд уорлд рипорте» ҳафтаномаси. Ойноманинг ёзишича, кейинги пайтда бу ўйинлар кўпгина ёшларни ўзига тортмоқда. Айниқса, олий таълим даргоҳларида ўқийдиган талабалар бу ўйинга қизиқиб қолишган. Қиморга берилган йигит ва қизларнинг наркотик моддаларни истеъмаол қилишларига мойиллари кучли.

Кўпгина ёш оилалар қимордан ютқазилган қарзни узолмасдан ажрашиб кетишмоқда. Жамоатчилик талаби билан казино ва қимор ўйналадиган уйларнинг эгалари балоғатга етмаган ёшларни киритишни чеклаб қўйдилар. Сиз кўриб турган суратда мактаб ва дорилфунунлар олдига қимор ўйинлари ҳалокатга олиб келишини билдирувчи хитоб осиб қўйилган.

ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚАМОҚХОНАДА ЎТИРИБДИМИ, ЁКИ...

● АМЕРИКАЛИК 72 нафар конгрессмен Панаманинг собиқ ҳарбий лидери Мануэл Антонио Норьега нима учун одатдаги қаттиқ режимли қамоқхонада эмас, балки шинам, қулай шароитли «қамоқхона»да «дам олаётганлиги»ни тушунтириб беришни қамоқхона маъмурларидан талаб қилдилар.

«Майами геральд» рўзномасида таъкидлашларича, Норьега Майама марказий қамоқхонасининг «уч хоналик» яхши жиҳозланган камерасида бекаму-кўст ҳаёт кечирмоқда, яъни камерада турли спорт машғулотлари учун анжомлар, компьютер, нусха кўчирувчи қурилма, иккита темир сандиқ ва ҳатто ҳужжатларни йўқ қиладиган машина ҳам бор. Қизиқ, Норьега қамоқхонадами, ёки...

ШВЕЙЦАРИЯЧА ҲУКМ

● ШВЕЙЦАРИЯДА ҳар йили 60 минг одам ҳукумат суди томонидан қамоқхона жазосига ҳукм қилинади. Лекин ўша ҳукм қилинганларнинг ҳар олтитадан биттаси жазо муддатини одатдаги қамоқхоналарда ўтайди. Қолганлари эса... Йўқ, сиз ўйлаганчалик авф этиб юборилмайди, балки ё ҳукм ижроси кечиктирилади, ёки «қисман ҳибс»га олинади. Қамоқ жазосининг бундай турига ярим йиллик муддатга «кесилган»лар — оилалилар ва доимий иш жойига эга бўлганлар гирифтор қилинади. Кейинги пайтда мамлакатда «қисман ҳибс»га олинган жиноятчилар кўпайиб бормоқда.

Жазонинг бундай турига «кесилган»лар жамият фуқаролари билан бирга яшайдилар, ҳукм қилинмасдан олдин бирорта билимгоҳда ўқиётган бўлса, ўқишини, ишлаётган бўлса ишини давом эткизаверади. Фақат тунда ётиш учунгина қамоқхонага боришади. Бундайлар учун махсус қамоқхоналар мавжуд.

ҚОШИҚ ҚАЧОН ЯРАТИЛГАН!

● БИЛАМИЗКИ, қошиқдан ҳар соатда бўлмаса-да, ҳар қалай кун давомида икки-уч маротаба фойдаланишингиз табиий. Шундай экан, у қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги ҳақида ҳам ўйлаб қолишингиз турган гап.

Мана эшитинг: қошиқ даставвал қадимги Мисрда бундан 5000 йил муқаддам яратилган. У асосан тош ва ёғочлардан ясалган. Европада эса қошиқдан ўрта асрларга келиб фойдалана бошлаганлар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖнинг ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий, ирқий ва диний замирда куч ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССЖнинг жиноят кодексига қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилсин:

1. 80-модда қуйидаги мазмунда бўлган 9-банд билан тўлдирилсин:

«9) миллатлараро ёки ирқий адоват, диний сарқитлар замирида, шунингдек оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилганда»;

амал қилиб турган 9-банд 10-банд деб ҳисоблансин.

2. 85-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85-модда. Ўлдириш билан, оғир тан жароҳати етказиш ёки мол-мулкни нобуд қилиш билан дўқ-пўписа қилиш.

Ўлдириш билан, оғир тан жароҳати етказиш билан ёки ўт қўйиш ёхуд умуман хавфли бўлган бошқа усул орқали мол-мулкни нобуд қилиш билан дўқ-пўписа қилиш, агар бу дўқ-пўписани ижро этишидан хавфсираш учун етарли асослар бўлса, бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёхуд уч юз сўмгача жарима солиш билан жазоланади».

3. 88-модданинг «В» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, азоб бериш ёхуд қийнаш усуллари орқали содир этилса, шунингдек миллий, ирқий адоват ёки душманлик, диний сарқитлар замирида, ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилса, —

беш йилдан ўн икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

4. 94-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оммавий тартибсизликлар жараёнида, ёхуд ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш, ёки номусга тегиш алоҳида оғир оқибатларга олиб келган, шунингдек вояга етмаганларнинг номусига тегиш, —

икки йилдан беш йил муддатгача сургун қилиб ёки сургун қилмай саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ёхуд ўлим жазоси билан жазоланади».

5. 133-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар ўт қўйиш, портлатиш йўли билан ёки кўпчилик учун хавфли бўлган усуллар билан қилинса ёхуд бу ҳаракатлар одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, шунингдек миллатлараро адоват ёки диний сарқитлар замирида содир этилган бўлса,—

уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

6. 204-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ашаддий хулиганлик, яъни ўша ҳаракатлар ўз моҳиятига кўра ўтакетган беҳаёлик ёки жуда сурбетлик билан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилса, ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига, ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, шунингдек хулиганлик қилгани учун илгари ҳам судланган шахс томонидан содир этилса, —

бир йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

7. 210-модданинг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўқ отар қуролларни (текис стволли ов милтиғидан ташқари), ўқ-дорилар ёки портловчи моддаларни, шунингдек қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган ёқилғи ва тез ўт оладиган бошқа моддаларни олиб юриш, сақлаш, сотиб олиш, тайёрлаш ёки ясаш ёки сотиш —

беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўқ отар қуролни, ўқ-дориларни ёки портловчи моддаларни, шунингдек қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган ёқилғи ва тез ўт оладиган бошқа моддаларни, шунингдек тегишли рухсатномасиз ўзида сақлаётган совуқ қуролни ўз ихтиёри билан топширган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилинади».

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 1 ноябрь.

Сайди УМИРОВ

СЎЗШУНОС



СУРАТДА: ўзбек қомуси ижодкорлари.

Суратчи: С. ДАВИДОВ.

(Боши 1-бетда).

фаларида босилган мақола ва тақризлари, китоб ва диссертациялари, анжуманлар, илмий кенгашлар, ўзаро суҳбат-мусоҳабаларда билдирган фикр-мулоҳазалари гувоҳ. Уларнинг нечоғлик билиб айтилганлиги, асосли ва жўяли, теран ва салмоқлилигига таниқли таржимашунос олимлар Франсуа Пьер Кайюа (Франция), Дионис Дюришин (Братислава), Ян Комаровский (Словакия), Анна Лилова (Болгария), иттифоқ ва жумҳуриятларнинг таниқли олим, адиб ва мунаққидларининг ёзма ва оғзаки фикрлари, илиқ гаплари шаҳодат. Марҳум академик Воҳид Абдуллаев: «Бу тулпор жуда узоққа кетадиган», — деган гапни кўп такрорлагувчи эди. Бошқа бир Воҳид домла — марҳум академик Зоҳидов бир куни бирор нарсадан ё асардан таъсирлангандаги одатига кўра, уйига қўнғироқ қилиб: «Ғайбулла, турган-битганинг ақл, омон бўл», — деган.

Келинг: яхшиси, яна ўзларидан эшитайлик:

«Мен учун икки даргоҳ бор. Бири ўз оилам бўлса, иккинчиси — хизмат жойим, Тошкент дорилфунуни бағридаги таржима назарияси шўъбаси. Бизнинг ана шу кичик илмий ва ўқув-тарбия устахонамизда етти киши меҳнат қиламиз. Яқинда тарбия назарияси шўъбаси (минбаргоҳи)нинг тузилганига роса йигирма йил тўлибди. Бу йигирма йиллик меҳнат: таҳсил, тадқиқот ва тарбиянинг маҳсули ҳам чакки эмас... Бир юз тўқсон уч киши таржимон ва таржимашунос, муҳаррир ва мунаққид сифатида диплом иши ёқлаб, нашриётлар, рўзнома ва ойнома таҳририятлари, радио ва телевидение ҳамда бошқа ижодий уюшмалар, мактаб ва маорифда хизмат қилишмоқда. Ўттиз бир киши фан номзоди, уч киши фан доктори, тўрт киши профессорлик унвонини шу ерда ҳатм қилди. Домлалар ва шогирдларнинг илмий асарларини мамлакатимизда, қардош жумҳуриятлар хорижий мамлакатлар ўқийдилар. Ҳозирги вақтда Хитой олимлари билан алоқаларимиз яхши. Словакия маркази Братиславада доктор Дионис Дюришин ҳамда ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари билан ҳамкорликда «Махсус адабиётлараро муштараклик» мавзуида йирик тадқиқотни ниҳоясига етказдик. Бу китоб икки жилдда келаси йили Чехословакияда ва ўзимизда уч тилда чоп этилади.

Тилак Жўра-ку шоир, буниси майли. Унга на даъво бору, на тараф. Аммо бизнинг Нажмиддин Комиловга нима бўлди? Унга ҳам Тилак Жўрадан «юқаяптими», дейман, дафтар-қоғозларининг ҳошияларига рубоий битадиган бўлиб қолди. Одамларнинг бахти қанчалик мендалигини айтолмайман, аммо биламан: менинг бахтим — одамларда. Бахтимизга илмий жамоамиз одамлари омон бўлсин».

Ушбу дилнома қайси рўзнома ёхуд илмий ойномада босилган ёки мўлжалланаётган бўлса, деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, у... радиога юборилган илтимосномадан олинди.

Илтимосномада шўъба аъзолари профессор Н. Комилов, доцентлар М. Шоиноятова, Т. Жўра, ўқитувчилар Ҳ. Кароматов, А. Эргашев ва бошқалар ҳақида илиқ гаплар айтилиб, ҳар бирига атаб, улар севиб тинглашадиган ашула, куй ижро этилиши сўралади. Инфаркт ҳуруж қилиб, ётиб қолганда, минбаргоҳ аъзолари, устоз тезроқ оёққа турсинлар дея, доимо мириқиб эшитадиган, Тўра Сулаймон сўзи билан айтиладиган «Гул бир ён, чаман бир ён» ашуласини радиодан сўрашган эди. Эътиборли, серҳафсала домла, ўзига келиши билан, саломалик мақомида, битган ва йўллаган истаги шу дилнома бўлди).

«Мақола ва идеомалар таржимаси» (1961) китобини қизиқарли бадиий асар сингари, бир қўлга олишда ўқиб чиққанимни эслайман. Жиддий, мураккаб илмий муаммони мароқли, оммабоп тарзда баён этиш маҳоратига қойил қолганман.

Шундан бери олим қалами остидан чиққан ҳар бир битикни қўймай ўқиб бораман.

ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВНИ ўқисангиз, каломини эшитсангиз, билимингиз, тасаввурингиз кенгаяди, тилимизнинг бой имкониятларига, нафислиги, нозиклиги, ажиб товланишларига ҳайрон-лоя қоласиз, лисоний камбағаллигимиз, камҳафсалалигимиздан беихтиёр ҳижолат чекамиз. Энди олим, муаллим ҳақидаги айрим фикрларни эшитсак.

Н. Комилов, филология фанлари доктори, профессор: «Ғайбулла Саломов — менинг устозим. Катта ҳарфлар билан ёзиладиган устоз. Устозлик — шогирдлар эҳтироми, халқ эҳтироми, жамоатчилик эҳтиромига сазовор бўлган чинакам раҳнома одамнинг унвони. Ғайбулла Саломов илми билан, меҳри билан, қалби ва одамийлиги билан устоз. У ўз шогирдларини фарзандидай яхши кўради.

Ғайбулла Саломов жумҳуриятдагина эмас, Иттифоқда ҳам аввало таржимашунос, Ўрта Осиёда таржимашунослик илми, таржима назариясини, таржима таълимини асослаган, мактаб яратган олим сифатида маълум. Баъзилар таржимашунос деганда жуда тор маънода, бир тилдаги матнни иккинчи тилдаги матн билан солиштиришни назарда тутадилар. Ваҳоланки таржимашунослик қомусий билим ва етук адабий танқидчи истеъдодини талаб қилади. Шунинг учун қомусчи Саломовнинг машҳур таржимашунос олим бўлиши табиий ҳол. Ғайбулла Саломов катта миқёсдаги маърифат соҳиби, миллат ғамини ейдиган, унинг маданияти, келажаги, шаъну-шарафини кўтаришга хизмат қилишга доимо шай истеъдодлардан».

Ҳа, энди тўнғич, севимли шогирди бўлгандан кейин оғзига сиққанича мақтайди-да, деб ўйлаши мумкин баъзи бировлар. Лекин Н. Комиловнинг ҳалол, ҳақгўйлигини биладиган кўпчилик Ғ. Саломовни ундан ўткизиб, тўлиқ, холис таъриф-тавсиф этиб бўлмаслигига ишонади. Келинг, бўлмаса, бошқалардан эшитайлик:

«Адабий жанрлар масалалари» тўплами муҳарририяти ижодий билингвизм ва муаллиф таржимаси, шунингдек, ўзбек адабиёти ва фольклорининг лисоний хусусиятлари мавзуидаги мақолаларингизни муштоқлик ила кутади, бу ҳақда сиз билан Софияда келишиб олган эдик. Бу ерда сизнинг «Игорь жангномаси»да туркизмлар» мақолангизга жуда қизиқиб қолишди, зудлик билан юборинг, мўътабар ойномалардан бири босмоқчи».

Зигмунт ГРОСБАРТ (Варшава).

«Илмий мактабларини яратишга улгурган украин ва ўзбек қардошларимизга ҳавасимиз келади. Тошкент дорилфунунида анчадан буён ва муваффақият билан таржима кафедраси иш олиб бораётир.

Б. ТОИРБЕКОВ, фан доктори, ОДУ профессори («Бакинский рабочий», 1979 йил, 4 август).

«Ҳар бир олимнинг тақдири ҳар хил кечади. Баъзилар негизи бошқалар томонидан солинган, кўпи олдиндан маълум йўналишда кетади. Бошқа бирлари ўзини синов, машаққатларга чоғлаб, янгилик, номаълумлик йўлини танлайди. Шундай бўлиб чиқдики, зоҳиран вазмин, хотиржам кўринадиган, ботинан эҳтиросли, безовта, доимо изланувчан, интилувчан Ғайбулла Саломовга ҳаётнинг ўзи ҳамма ерда янгилик қарор топтириш учун майдон ҳозирлаб берди, у ҳар доим, ҳеч иккиланмай, ўзини бу майдонга — ўтга-чўққа урди, кўп заҳмат чекди, асаблари кетди, пировардида, ғолиб келди. Устози Аҳмаджон Ёқубов билан уруш арафасида тўхтаб қолган «Фан ва турмуш» ойномасини йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ФА Тил ва адабиёт институтида таржима назарияси шўъбасининг очилишига ҳисса қўшиши, миллий қомусимиз йўлидаги катта, серғалва ишлар.

Қ. ХОНАЗАРОВ, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Таниш-нотанишлардан келган, келаётган бундай илиқ мактублар, дилнома, ташаккурномалар жуда кўп. «Дружба народов» муҳаррири Сергей Баруздин ойномада босилган «Олтин ўрталик» қаерда ўзи?» мақоласи учун ташаккур билдиради, бундан кейин ҳам ёзиб туришни сўрайди, хитойлик профессор Чжао Шун Янь рус тилига таржима қилинган чин муаллифлари китобларни ва ўз мулоҳазаларини юборибди, Боку, Ереван олимлари, адиблари ўз анжуманларига чорлайди...

Мана, «панадаги фақир киши»нинг ишлари сарҳисобидан бир шингил...

Шогирдлари, ҳамкасблари, дилдош дўст-биродарлари: «Баъзилар бир-икки асари билан академияга мухбир аъзо, ҳатто ҳақиқий аъзо бўлиб кетишяпти, барча китобу тадқиқотларингиз жамланса, салкам бўйингиз баравар бўлади, нега ариза бермадингиз?» — дейишса, чуқур бир самимият билан: «Мен худодан докторлик, профессорлик тилаганман, шукрки, шунга эришдим», — дейди. Ортиқча суриштира, ташвиқ қила бошлаган бир ҳамкасбига: «Истеъдодли ёшлар йўлига тўғоноқ бўлишни хоҳламадим.

«ПАНАДАГИ ФАҚИР ОДАМ» доимо фуқаро қуршовида, одамлар орасида. У — одамларга, одамлар кўпроқ — унга талпинади, кўнгил кўнгилдан сув ичади. Ундан, шогирдларидан курс, диплом иши мавзуси олишни хоҳловчилар кўп бўлади. Касалхонада ётганида уни сўраб борувчилар кети узилмади, гарчанд кўпинча ҳузурига қўйишмаса ҳам. Уйига қадам узмай одам келиб туради. Шаҳрибону опа, домла чарчаб қолмасмиканлар дея жиндек хавотирга ҳам боради, лекин яхши сўз, нурли юз ҳамдам, малҳам, жон озиғи эканлигини билиб, индамайди.

Катта Фарғона канали қанчадан-қанча ерларга об-ҳаёт элтди, боғроғлар барпо этди, водий чиройига чирой қўшди. Ўзбек қомуси — катта маънавий каналимиз. Кўк муқовали, салобатли жилдлари китоб жавонларимизга кўрк бериб турибди, истаган пайтда фойдаланаверамиз. Ижодкорлари кимлар экан деб ҳамиша ҳам эслайвермаймиз. Ҳолбуки эслаш керак.

Ўзбек Совет Қомусига ғоя берганлар, тамал тошини қўйганлар, шарт-шароит яратганлар Шароф Рашидов, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Обид Содиқов, Сарвар Азимов, Аҳмаджон Ёқубов, Нурилла Муродов, Қўчқор Хоназаров сингари арбоб, олим, фузалолар бўлса, бу катта, миқёси кенг боши — охири кўринмас ишнинг бош прорабы, ишбилармони, ишқилармони, иш-ташкилқилармони ЎСЭ Бош муҳаррири биринчи ўринбосари Ғайбулла Саломов эди. Бошда Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қошида махсус қомус бўлими тузилиб, Ғ. Саломов бошлиқ ўн беш чоғли одам, икки-уч хонани банд қилиб, бу иш билан шуғулланар эди. Мен, институт аспиранти, кейин илмий ходими, икки-уч йил давомида бир бинода бир қаватда кўриб, кузатиб, гувоҳ бўлганман, ишга бу қадар «ёпишган», меҳр-ихлос қўйган, вақт, соғлиқ, маош билан ҳисоблашмаган жонбоз одамлару, фидойи жамоани кўрмаганман.

Қомусчилар гуруҳи фидойилиги билан бениҳоя қисқа муддат — 3 ой ичида фан, техника, маданиятнинг 52 соҳаси бўйича 5 жилдлик сўзлик тайёрланиб, чоп этилди. Т8 кунда 1-жилднинг макети чиқди. 4 жилд нашрга тайёрланди. Бу — ССЖИ туркий тилли халқлари орасида биринчи миллий қомуснинг илк намуналари, қомусий адабиёт яратиш бобида иттифоқда тўртинчи тажриба эди.

— Ҳамманинг тилида, дилида қомус эди-да. — Халқ бизга кўз тикиб турганди.

Ўзбек қомуси таҳририяти таркиби, штат жадваллари, маошлар, ҳамма-ҳаммасини рисоладагидек тузиб, жумҳурият Вазирлар Кенгашига юборганмиз. Келиб қолар деб кутиб турибмиз. Йўқ.

Ўша кезларда белорус қомуси мутасаддиларидан Петрашкевич бир иш билан юртимизга келди. Бир-биримизга кўнглимиз тўғри келиб қолди, маслаҳатлар сўрадик, дард-муаммоларимизни айтдик. «Бу нарсалар бизнинг бошимиздан ўтган, — деди меҳмонимиз. — Қийин битадиган иш. Юқори ташкилотларнинг қарорлари, тавсиялари, яна анча нозик ҳужжатлар керак, буларни олиб Москвага бориш, талашиб-тортишиш лозим. Барча керакли ҳужжатлар менинг сейфимда бор, хоҳласангиз, Бош муҳарриримизга хат ёзиб, калитни бериб юбораман.

Зудлик билан Минскка учиб кетдим. Хатни, калитни Петрусь Бровкага топширдим. Машҳур шоир жуда илиқ кутиб олди, керакли ҳужжатларни бериб, ишимизга омад тилади.

Тез орада лозим ҳужжатлар тахт қилинди.

Бу сафар Бош муҳарриримиз ўзлари бош бўлиб, бизни партбюро котиби Мираҳмад Абдуллаев ва мени бирга Москвага олиб кетдилар.

Иброҳим Мўминов маълум ва машҳур олим, муаллим, мавқе, эътибори баланд раҳбар, биллурдек соф, ҳалол инсон эдилар. Бирон жойда сўзи ўтмай, иши битмай қолганини билмасдик. Бу сафар ўзлари Бош муҳаррир бўлган ўзбек қомусининг штат жадвалини пойтахтда ўтказа олмадилар. Икки-уч кунимиз, кўп идора, одамларга учрашишимиз беҳуда кетди.

— Магазин кезишни бас қилиб, қоғоз-поғозларингни йиғиштиринглар, кетамиз. Мираҳмадвой, билетларни тўғриланг, — дедилар, қовоқ уюб домла.

Роса алам қилди. Кечаси билан ухлай олмай, тўлғаниб чиқдим. «Бугун ҳам бир кўрайлик, — дедим Мираҳмадга эрталаб аллақандай шахд билан.

— Ғайбулла, ўзингиз боринг, менинг юрагим...

— Юрак-пурагингизни қўйиб туринг. Ҳозир бутун бир миллатнинг юраги ҳақида гап кетаяпти (Мираҳмад дўстим-э, «Пахтакор» ютқазса ҳам, ҳавога булут чиқса ҳам «юрагим!» деб ушлаб қолади. Бу орада менинг юрагим ишдан чиқиб бўлди, у эса, фан доктори, профессор, умри узоқ бўлсин, ҳамон «юрагим» дейди).

Шу шаҳд билан В. М. Сухаревский қабулхонасига кириб бордик. («Меҳнат ва иш ҳақи бўйича Давлат қўмитаси муовини В. М. Сухаревский ҳузурида бўлдим. У билағон, ўйлайдиган одам, усиз сифатни моддий рағбатлантириш ҳақида гап борадиган мақоламга қай тарзда ёндашишга қийналардим». Анатолий Аграновский, «Сифат нимадан бошланади»).

Кабинети эшигини очиб, мумкинми десам, индамайди. Кириб, салом берсам, алик олмайди. Ҳа-па, келинг-кетинг йўқ. Ўзимни таништириб, мақсадимни баён этсам, пинагини ҳам бузмайди, одамми, пашшами демайди. Музхона. Ўзим-ку тўлиб, бўларимча бўлиб турибман. Меники ҳам тутиб, қонбосимим кўтарилиб, кетдику. Шартта олдига бориб, кўзимни тик қадаб, дағдағали шивирладим: — Нега бизни эшитмайсиз, камситасиз? Нима Ўзбекистон кам нарса бераяптими?!

Сухаревскийнинг ранги бирдан қум ўчди, бошини секин кўтариб қаради. Афтидан, қаршисида чаёндай чақаман деб турган одамдан ҳамма нарса кутган бўлса ҳам, бундай кескин, қалтис гапни кутмаган эди. «Нима деяпсан?» — деди. Қитиқ патига тегдим шекилли, шарқона мулозаматни йиғиштириб, ўз тилида гаплашдим, деб ўйладим. Журъат пайдо бўлди, дадил-асосларни саржиндай қалаштириб ташлашга ўтдим.

— Ўзбекларнинг айби нима? Пахта дейсизми, тилла, пилла, қоракўл дейсизми, яна қанча нарсани сувтекин баҳода етказиб бериб турса. Қомусига учинчи категория берибсизлар. Штатида бор-йўғи 14 киши, маоши 110 сўм. Бошқаларда 120 одам, маоши ҳам 220 сўмдан. БСЭникидай қилиб беринглар, демаймиз, у алоҳида категория. Ҳеч бўлмаса, украин, белорус қардошларимизникидай иккинчи категория қилиб беринглар...

Жўшиб бораяпман, десангиз. Ўзи қўзғаб юборди-да. (Бу тўқмоқли, тўғри фикр шу ерда, ногаҳон пайдо бўлиб қолган эмас эди. Газаклаб, пишиб юрувди. Илгарироқ, уч-тўрт олим, Вазирлар Кенгашида ишлайдиган Эгамбердиев деган киши, поездда Москвага борган эдик. Купеда ҳар соҳадан суҳбат қилиб кетдик. Бир иқтисодчимиз, рус йигити: «Биздаги энг мўътабар идоралардан борадиган энг жиддий ҳужжатни ҳам марказда оддий бир йўриқчи ўқиса ўқийди, ўқимаса, четга суриб қўяди, кўп ҳам эътибор қилиб ўтирмайди. Нега десангиз жумҳуриятимиз давлатдан қарз» деган эди. Шунда сапчиб ўрнимдан туриб кетиб: «Йил — ўн икки ой, кечаси-ю, кундузи тиним билмай ишласак, қанча нарса берсак, яна нега қарз бўлар эканмиз?! — дегандим. Ҳамроҳим хотиржамлик билан: «Бу мураккаб механизм, уни тушуниш учун иқтисодчи бўлиш керак» — деган, мен тутақиб: «Тупурдим, ўша механизмига!, — дегандим).

Сухаревский шаҳд билан тугмачалардан бирини босди. Бетлари катта бир одам — бўлим бошлиғи Бороховский кирди. «Ҳозир айтган гапларингни такрорла!», — деди менга. Такрорладим. «Шу гап тўғрими?» — деди. Бороховский «тўғри» дейин деса, бошлиғидан чўчийди, «нотўғри» дейишга виждони йўл қўймайди. Бир унга, бир менга қараб, секин «тўғри» деди. Шундай дейиши билан ўринбосар қўлидаги мен узатган қоғозларни шириқтириб юзига отди. Қоғозлар сочилиб кетди. «Йиғиштириб олди-да, — ўшқириб фармойиш қилди. — Ҳозироқ ишини тўғрилаб бер!». — «Раҳмат», — дедиму чиқдим. «Ўҳ-ҳу жаҳлнинг зўри бу ёқда экан-ку, — дедим ичимда. — Қатъияти, мардлигига қойилман. Аммо сен ҳам чакки эмассан».

Хурсанд бўлиб, розилиги лозим яна бир идора — ВЦСПС қайдасан деб йўл олдик... Яқин кунларда касаба уюшмалари съезди бўладиган экан. «Раис доклад ёзиш билан банд, ёнимга ҳеч кимни қўйманг деб тайинлаган», — деди котиба аёл. «Оббо, бу ёғи қандай бўлди. Ҳай, кўрайлик-чи». Котиба хушмуомала аёл экан. Сизга бир халқ номидан илтимос, раис чақириб қолса, шу қоғозга қўл қўйдириб беринг, кейинроқ ё эртага хабар оламиз. «Домлага нима десак экан» деган ўйда секин Ленин шоҳкўчаси томон бораётсак, орқадан «Молодой человек!» деган овоз эшитилиб қолди. Қарасак, котиба аёл, қўлида қоғоз, тез юриб келяпти. Истиқболига югурдик. «Қўл қўйди, — деди ҳансираб. — Омадларингиз бор экан. Чиқиб қолувдилар, илтимосларингизни айтдим, дарров имзо чекиб бердилар».

Минг раҳмат! Дунёда яхши одамлар кўп. Авлиёнинг ишини худо ўнглабди, деб қанот боғлагудек бўлиб меҳмонхонага етиб бордик. «Мираҳмад, бу саргузаштларимиз вақти келиб қомусимиз тарихида ёзилади, фақат ҳозир менсиз домлага ҳеч нарса демай турасиз» — деб пишиқладим. Домланинг машқлари паст, қовоқ-димоқлари осилиб кетганди: «Бекорга лақиллаб юришни бас қилинглар, қайтамиз» — айтган гаплари шу бўлди. «Бир қоғоз бериб юборишувди», — ўзимни овсарликка солиб, столнинг устига қўйдим. Домла истар-истамас қараган бўлди, кейин кўз қири «ССЖИ Вазирлар Кенгаши» деган йирик ҳарфларга тушиб қолди-да, ҳужжатни кўзларига яқин тутиб ўқидилар. «Ие, бўлибди-ку», — дедилар, болалардек қувониб. Бирдан юзлари ёришиб кетди. «Бўлибди-ку, Ғайбуллавой, Мираҳмадвой», — қувончини ичига сиғдира олмай такрорладилар. — Муғомбирлар-эй, айтмайсизларам-а! Қани кетдик». Қаерга экан, деб ўйлаганимизча бўлмай, пастга, буфетга бошладилар. Яримта арақ олиб, учта қиррали стаканга тўлдириб, «Олинглар!» деди. Домланинг ичганини кўрмагандим, охиригача олиб юбордилар. Мен-ку ноз қилмай, паққос кўтардим. Мираҳмад шу ерда ҳам юрагини важ қилиб қутулиб қолди, улушини ҳам олиб юбордим, шекилли.

— ИЧГАН, ТАВАККАЛ ҚИЛГАН пайтларингизда ишингиз юришиб кетган. Ўн йилдан ошдики, бир қултум ҳам олмайсиз. Бошқа пайтларда ҳам ишларингиз яхши бўлган-у, секинроқ юришган-да, — деймиз биз. Ғайбулла аканинг оз-моз олиб турадиган ҳамкасблари, кўнгил етар ёр-биродарлари ҳазил аралаш. Ичиб, Қаюм Муртазоев ҳузурига кирганингизни яна бир айтиб беринг...

Салкам ўттиз йил бурунги бу воқеа ўзларига ҳам нашъа қилса керак, ҳузур қилиб айтиб берадилар.

— Таниқли тилшунос, марҳум Олим Усмон менинг устозим бўладилар. Бир сўзлик дейсизми, қайсарлик дейсизми, тўрт-беш одамникини домлага қўшиб берган. Тишлаган жойини узаман дейдиган, динидан қайтмайдиган, тик сўзли одам эдилар. Паст-баланд гаплар кўпайиб қолди. Ўзлари сир бой бермайдилар, нуқул илмдан, ишимдан сўз очадилар. Тил ва адабиёт институтида, у ер-бу ерда дув-дув гап: Олим Усмоннинг партиявий иши кўриларкмиш, иши чатоқмиш. «Сенга устоз, ота қатори бўлса, корига ярамасанг, ҳимоя қилолмасанг, номаъқулнинг нонини еб аспиранти бўлиб юрибсанми», — дедим ўзимга-ўзим. Ўйлаб-ўйлаб, горкомнинг биринчи котиби Қаюм Муртазоев ҳузурига кириб, воқеани тушунтирадиган бўлдим. Энг қизиғи бу ёқда, ҳозир эсласам, ўзим ҳам ишонгим келмайди, уялиб кетаман. «Муртазоев Тошкентдай катта шаҳарнинг катта бошлиғи, сен бор-йўғи бир аспирант, бунинг устига, партиясиз бўлсанг, қандай кирасану, нима дейсан». Ёшлик нодонлик-да, журъатли бўлиш учун яримтаароқни паққос уриб олибман. Қип-қизил бўлиб, қабулхонага кирибман. «Кутинг, банд, — деди котиба қиз. Кейин телефонда бир дугонаси билан русча, ўзбекча, татарча аралаш бўтқа бир тилда гаплаша кетди. Ғашим келиброқ турди, кейин гап орасида бир дугонасининг ғийбатини қила кетди, ўзбекка текканй учун айблади. Шу ерга келганда, тоқатим тугаб, гапга қўшилиб кетибман: «Кечирасиз, синглим, дугонангизни ноҳақ айблаяпсиз, ҳар ким суйган ошини ичади, кўнглига ёққан одам билан турмуш қуради».

Горком котиби котибасига эътирозим ёқмади шекилли, жаҳл билан: «Мен дугонам билан гаплашаяпман, сиз нега аралашасиз», — деди. «Шунинг учун аралашаётибманки, нотўғри гапираётибсиз. Шаҳримиз кўпмиллатли шаҳар, севги дегани — кўнгил иши».

Баҳсимиз авж олиб кетди, у деса, бу дебман, бу деса, у дебман. Бир маҳал қиз шартта кабинетга кириб кетди. Кўп ўтмай қайтиб чиқди-да, зарда билан «Киринг!», — деди.

— Нега котиба қизни ҳақорат қилдингиз? — деди Муртазоев эшикдан киришим билан синовчан боқиб.

— Ҳақорат қилганим йўқ, баҳслашиб қолдик.

— Қаерда ишлайсиз? — деди жаҳл билан, ғўлдираётганимни сезиб.

— Академиянинг Тил ва адабиёт институтида аспирантман.

— Энди аспирант бўлмайсиз. Боринг.

Ҳанг-манг бўлиб, эшикка йўналган эдим, «Пайшанба куни, соат учда келинг, — деди.

Сергак тортиб, шалвираб чиқдим. Котиба қиз ғолибона ишшайиб қўйди.

Айтилган вақтда келсам, институтимиз парторги чиқиб кетаётганини кўрдим. «Устозу шогирд ишимиз ҳам бўладиган бўлибди», — ичимдан зил кетди.

Қаюм Муртазоев бу сафар вазмин, анча мулойим кутиб олди. «Нега ўша куни котиба қизни хафа қилдингиз? — деган саволни яна такрорлади. Мен бўлган гапни яширмай, оширмай-тоширмай айтиб бердим. «Кўча-кўйда, бозор-ўчарда, рамвайда миллатчилик руҳидаги паст-баланд гапларни аҳён-аҳёнда эшитиб қоламиз. Лекин Тошкентдай шаҳри азимнинг юрагида, комсомол, фирқа ишларида чиниққан, Москвадай жойда мўътабар вазифаларда ишлаб келган, байналмилаллик қон-қонига сингиб кетган сиздай обрў-эътиборли раҳбарнинг кабинетида котибангиз оғзидан мазава гаплар чиққанини ҳазм қилолмадим, зарба бердим».

— Жуда тўғри қилгансиз ука, — деди Муртазоев бирдан жонланиб ҳам юмшаб. — Гап бу ёқда денг. — Бунақа тескари гапларни кўчада эшитасизми, бозордами, самовардами, зарба беринг. Бизнинг халқимиз бағри кенг, олижаноб, миллат ажратмайди. Хўш, ука, ўша куни нима иш билан келувдингиз, — деди қаршимдаги стулга ўтириб. — Нега ичиб келувдингиз?

— Тавба қилдим. Сиздай мўътабар одамнинг салобати босди. Дадил бўлайин деб ичувдим. Бир қошиқ қонимдан кечсангиз. Устозимга ҳимоя ахтариб келувдим, ўзим ҳимоя талаб бўлиб қолдим. Узр, менга ижозат берсангиз.

— Йўқ, йўқ, илтимосингизни айтинг, — дедилар қандайдир юмшаб ҳам меҳри товланиб.

Ҳаммасини айтиб бердим...

— Бемалол бораверинг, домлангизга ҳеч нарса бўлмайди, — дедилар. Илмий, ижодий ишларингизда муваффақият тилайман.

Қўл бериб, илиқ хайрлашдилар. Кейин эшитсам, котибасини бўшатиб юборибди.

Ўша воқеа, у кишининг нурли сиймоси ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Мана, раҳбарнинг бағри кенглиги, одамохунлиги. Ўшанда воқеанинг тагига етмай, жаҳл устида бир нарса деб юборса, устозимга ҳам, менга ҳам қийин бўларди.

«Катта олимлар, арбоблар, эл, юрт, маънавият тақдири учун масъул одамлар, улар ҳар бир сўзини ўйлаб айтишлари, қадамини ўйлаб босишлари, келишиб, муроса қилиб ишлашлари лозим, деган гапни кўп такрорлайди Ғайбулла ака. Майли, баҳс, тортишув бўлсин, лекин жанжалга, ғаразгўйликка айланиб кетмасин. Мақтов яхши, лекин тўғри танқидни тўғри қабул қилишга ҳам тайёр бўлиш керак. Бировлар бор, айбни ўзи қилади, лекин айбдорни ташқаридан ахтаради, камчилигини тан олишга бўйни, худбинлиги ёр бермайди. Келишмаслик, жанжал — ёмон, улуғларнинг келишмаслиги яна ҳам ёмон, эл-юрт бошига ташвиш келтиради. Тарихдан ҳам, бугунги кундан ҳам мисоллар кўп бунга».

«ОЛИМ ИЛМ ОЛАМИГА, мачитга киргандай, ҳалол, покиза бўлиб кириши, ҳар бир далилни, қайта-қайта текшириши, таҳлил-тадқиқ этиши, гапини етти, балким кўпроқ ўлчаб кесиши, айтиши, ёзиши лозим.

«Кашмир қўшиғи» қиссаси ҳақида ва ундан илҳомланиб бир китоб ёзган эдим, 320 саҳифа: машинкадан чиқариб, муқовалаб қўйганман. Айрим нарсаларга аниқлик киритиш, далилларни текшириб кўришга зарурат сезиб, муаллиф ҳузурига кирган эдим. «Демак, сизга шу асарим кўпроқ маъқул келибди-да, — деди Ш. Рашидов мулойим ва айни чоғда синчков боқиб. «Асар яхши, уни бир неча бор қайта ишлашингиз, ҳар сафар янги лавҳа, деталлар қўшганингиз, сайқал берганингиз эътиборимни тортди. Кейин бу мўъжаз қисса ҳинд-ўзбек адабий, маданий алоқалари тарихи, ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида кенг фикр юритишга асос ва материал беради, — дедим мен ва китобим мундарижаси, муаммоларини, таржима назарияси кафедрасининг режаларини қисқагина баён этдим, саволларимга муфассал жавоб олдим. «Асарим манзур бўлгани, ҳатто бир тадқиқот ёзишга туртки берган экан, муаллиф сифатида миннатдорман, катта меҳнат қилибсиз, — дедилар охирида. — Фақат уни эълон қилишга шошилмай турсангиз. Бир вақти келиб қолар. Бизга қандай топшириқ, илтимослар бор?» «Раҳмат. Илтимосим йўқ. Аниқлайдиган нарсаларим бор эди, тўлиқ жавоб олдим. Вақтингизни олганим учун узр».

Шароф Рашидов деразa ёнига борди-да, бир-икки дақиқа ташқарига ўйчан қараб турдилар. Шу топда хаёлидан нималар кечди, билмайман, лекин менинг кўнглимдан «Шу одам ҳам балки ёлғиздир. Атрофида қўл қовуштириб, ҳар бир гапини маъқуллаб турган одамларнинг қанчаси дўст, қанчаси Хоруд, ҳозир билиб бўлмайди», — деган фикр ўтди. Сўнг ўгирилиб, қандайдир миннатдор боқди-да: «Элларни, дилларни бир-бирига яқинлаштиришда таржиманинг аҳамияти беқиёс, ишингизда муваффақият тилайман, бизни ҳар доим мададкор деб билинг», — дедилар, энг охирида овозини секинлатиб, яна бир, умрбод ёдимдан чиқмайдиган гап айтдилар: «Асилжон ҳар доим сиз ҳақингизда оғзидан бол томиб гапиради».

Шароф Рашидов билан биринчи ва охирги юзма-юз учрашувим, гаплашишим шу. Кўп ўтмай билдимки, бу «Дўстликни қадрланглар, бир-бирларингга суянчиқ бўлинглар», — деб қилган васиятлари экан. Яна, китобни ҳозирча чиқаришга маслаҳат бермай, мени кўнгилсизликлар, шаънимга ёғилиши мумкин бўлган маломатлардан сақлаб қолган эканлар. Кўнгли нимадир сезиб юрган бўлса керак-да.

Вафотидан кейин у киши ҳақида айтилган, ёзилган баъзи гапларни эшитиб, ўқиб ёқа ушлайсан. Ё, тавба, одамзод шунчалик мураккаб, буқаламунми? Оқни қора деб, кечаги гапидан бугун тониб турса. Оламдан ўтган одамни энг кўп танқид қилганларнинг аксарияти ундан анча-мунча марҳамат кўрган одамлар бўлиб чиқди. Улардан айримларининг ножўя ишлари, ахлоқсизликлари, энг катта раҳбарнинг сабр-тоқати, ортиқча меҳрибонлиги, кечирувчанлиги ҳақида турли-туман гап-сўзлар юрарди. Ҳар қалай, вафот этган, ўзини ҳимоя қила олмайдиган одамлар орқасидан тош отишни бас қилайлик, деган гап жуда шарқона, жуда мардона гап бўлди».

КАШПИРОВСКИЙНИНГ руҳий муолажасида сўзнинг сеҳри, малҳамбахш кучи, таъсири катта ўрин, салмоқ тутиши ҳақида Ғайбулла ака мароқ билан ҳикоя қилади. «Эътибор бердингизми, у оддий тушунарли тилда гапиради сўзлари самимий юракка бориб тегади. Қизил гаплар, сийқаси чиққан ибораларни мутлақо ишлатмайди ортиқча мақтовни хуш кўрмайди. Унга ихлос қўйганим, наф топганим, мактуб йўллаганим боиси ҳам шунда. Бир юз қирқ мингта хатдан меникини ҳам ажратиб, машҳур қўшиқчи Иосиф Кобзонга илтимос қилиб ўқиттирганда, юрагим жиз этиб кетди: демак, сўзларим мўлжалга тегибди, муолажакор руҳига таъсир этибди.

Кашпировский беназир психотерапевт, валломат инсон бўлиши баробарида, жумҳуриятимиз шайдоси, тилимизнинг тарғиботчиси, ташвиқотчиси, ҳамдир. Минг-минглаб одамларнинг турфа дардларига шифо топаётган, миллионлаб одамлар умид кўзларини тикиб турган, инсон жисми, руҳиятининг беқиёс, яширин имкониятларини намоён этаётган машҳур ватандошимиз ўтган йили Марказий телевидение орқали берган сеансларидан бирини «Ассалом алайкум» дея бошлагани, яқинда Ўзбекистондан қайтганини ифтихор билан ҳикоя қилган...

Кашпировский шарофати билан иттифоқимизнинг турли бурчакларидан кўплаб илиқ, самимий мактублар олдим. Яхши тилаклар айтгани, маслаҳатлар бергани, дори-дармонлар юборгани қанча. Одамларимиз қандоқ меҳрибон, оқибатли, олижаноб. Бизларни, бошқаларни руҳан яқинлаштирган, ғойибона дўстлаштирган Кашпировский бўлади! Афсуски, бу ноёб муолажакорнинг ҳам қадрига кўп етмадик, ҳар хил ипирисқи гаплар қилдик, иғволар, тош отишлар бўлди. Айрим олимлар, шифокорлар, журналистларнинг «хизмати» катта бўлди. Олдингидан оқар сувнинг қадри йўқ. Яқинда рўзномаларда ўқидик. Кашпировский, Чумаклар чет элларда кўплаб сеанслар бериб, номи улуғ, супраси қуруқ давлатимиз чўнтагига анча-мунча валюта солишибди.

СЕЗИБ ТУРИБМАН: баъзи бир ортиқча иззаталаб олим, фузалоларнинг нафсонияти қўзғаши мумкин: «Намунча мақтов, таъриф-тавсиф? Бор-йўғи фан доктори, профессор экан. Хизмат кўрсатган фан арбоби бўлмаса, академиянинг ҳақиқий ёхуд мухбир аъзоси бўлмаса, лауреат ё нишондор бўлмаса. Мана биз...»

Ғайбулла Саломов ҳақида ёзишга жазм қилганимнинг икки боиси бор. Биринчидан, қаҳрамоним, имоним комилки, қилиб қўйган хизмати, илмий-таълимий маҳсулига кўра, мукофоту унвонларга тўлиқ муносиб, ҳақли. Фикримни бошқаларга тиқиштирмоқчи эмасман. Ўқувчи ўзи биладиган лауреат, аъзо, арбоблар, уларнинг ишлари, асарлари, инсоний хислатлари билан қиёслаб кўрсин, баҳо берсин. Қаҳрамоним кимдандир кам, кимдандир ортиқ. Ҳозирга қадар муносиб кўрилмагани масаласига келсак, «Фақир киши панада» ибораси Ғайбулла Саломов ва унга ўхшаш заҳматкаш, камтар, ўзининг фойдаси учун яшашни билмайдиган кишиларга жуда хос, мос келади.

Ўзбек қомуси ижодкорларидан бир гуруҳи Беруний мукофоти лауреатлигига муносиб кўрилди. Лекин... Бу катта ишга энг кўп меҳнати сингганлардан бири Ғайбулла Саломов эди, дегувчи бир мард топилмади. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир баъзи бировлар мукофот, энг аввал шу одамнинг ҳақи демади, бу одам ҳам менинг ҳаққим демади, иши бўлмади.

Унвонга, мукофотга тақдим этиш — бошқаларнинг иши, ташвиши.

Ўзи кўп иши қийинчилик билан, кеч битади. Квартира олиши ҳам, диссертация ёқлашлари ҳам ўзи бир тарих.

«Олтмишинчи йили, квартирага ҳамма ҳужжатларим тахт, лекин ҳеч тўғри бўлмайди, бесамар қатнайман. Шаҳар кенгашида бир армани бор экан, пул бермасанг, ололмайсан, деб куппа-кундуз куни, рўй-рост айтди. Раисга учрасам, нима деб ўйлов-динг деб шу гапни такрорлади. «Мен бир аспирант бўлсам, пулим бўлмаса, бўлганда ҳам бермасдим», — дедим. Гапга бориб қолдик. «Сен квартира ололмайсан», — деди. Бир-икки йил ўтгач, Гоголь кўчасидаги ошхонада овқатланиб чиқиб кетаётсак, ўша одамни кўриб қолдим, ранги кетиб, букчайиброқ қолибди. «Мана шу одам бир пайтлар, — шерикларимга тушинтирдим, ўзимни тутолмадим-да, — мен шаҳар ҳокими бўлиб турсам, сен квартира ололмайсан деганди. Мен-ку квартира олдим, лекин бу одам шаҳар ҳокими бўлмай қолди».

Икки марта диссертация ёзиб, тўрт марта ёқлаганман. Мухолифим ақл, тадбиркорлик билан иш тутди, думалоқ хат уюштирмади, эксперт комиссияси аъзосини ишга солиб, тақриз ёздирди. Биринчисида, ленинградлик машҳур таржимашунос Федоров жонимга аро кирди, ижобий тақриз ёзиб, билмасдан, ёзилган, ғаразли тақризни чиппакка чиқарди. Докторлигимнинг ВАКдаги қайта ҳимоясида қирқтача савол берилди. Биттасига жавоб беролмай, қийналиб турувдим, Лев Толстойнинг невараси — келбати, соқоли бобосига ўхшаб кетадиган олим-ҳамкасби атайин қийин, қалтис савол берганини юзига солди. «Қойилман, — дедим ичимда. — Бекорга Толстой фамилиясини олмаган эканда. Россия улуғ, ҳақиқат эса ундан улуғ».

Бу нарса қаттиқ таъсир қилган. Учта илмий кенгаш аъзосиман, ҳали бирорта ишга қарши овоз берганим йўқ. Талабни қаттиқ қўйишим, кескинроқ гапиришим мумкин, лекин ёқлаб овоз бераман. Мухолифинг, душманинг одами бўлса ҳам, ишига қараб, холис баҳо бериш лозим. Атайин панд бериш — номарднинг иши. Яхшилик билан тамал тошини қўйиш, дунёни яхшилик билан олиш лозим. Дўстларни бўлса бошга кўтариш лозим. (Ғайбулла Саломовнинг адабиётшунос олимлар Асил Рашидов, Эрик Каримов, Тўхта Бобоевлар ва бошқалар билан кўп йиллик, қалин дўстлиги ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик. «Дўстлик тўла тенглик, самимият асосига қурилиши, манфаат, тама тобеликдан мутлақо холи бўлиши керак, — ҳисоблайди Ғайбулла ака — мавқеи мартаба, давлатига маҳлиё бўлиб, ўзини баланд тутадиган одам дўст бўлолмайди, у бор-йўғи оддий таниш, агар танишлик имтиҳонидан ҳам ўтолса).

Иккинчидан, битигим бошдан-оёқ Ғ. Саломов хусусида, таърифида бўлмай, айни чоғда Ғайбулло ака бевосита дахлдор бўлган муаммолар, одамлар, тақдирлар ҳақида ҳамдир. Кейин, бир мутахассис сифатида бир муаммо мени ўйлантириб, қийнаб келади. Демократия, ошкораликни биз, ижод аҳли, баъзан бир томонлама тушундик, қайта қуриш, ошкораликни уришу бузиш, танқидбозлигу, андишасизлик деб билдик. Мақтовга ҳам дурустмизу, лекин танқидга, айниқса, устаси фарангмиз. Тирикларнинг пўстагини қоқиш, ҳатто ўлганларнинг гўрига ғишт қалашнинг ҳавосини олганмиз. Айрим нашрларни ўқисангиз, гапларни эшитсангиз, гўё ҳаммаёқ зулмат, зимистон. Эътироз қилмоқчи бўлсангиз, жавоб тайёр: қайта қуриш, ошкоралик. Нур, яхшилик, намуна кучи қаёқда қолди? Қанчадан қанча яхши ишларимиз, удумларимиз, фидойи, заҳматкаш, олижаноб, камсуқум, ўзини кўз-кўз қилмайдиган одамлар бор. Биз, ижод аҳли, уларни намуна қилиб кўрсатишимиз, тарғиб-ташвиқ этишимиз керак. Марказий нашрлар кўпинча бизга қора кўзойнакдан, қараб, пашшадан фил ясаб турганда, бу, айниқса, керак.

Дарахт бир жойда кўкаради, деган гап бор. Таржима кафедраси ТошДД журналистика куллиёти бағрида очилган эди. Олти-етти йил ўтгач, негадир, ўзбек филологияси, кейинроқ рус филологияси куллиётларига ўтказиб юборилди. Ҳозир ҳам шу ерда. Унча-мунча дарахт, бошқа жойга кўчириб ўтқазилса, қуриб-қақшаб қолади, бунинг илдизи мустаҳкам экан, ўзини тутиб олди, яхши ривожланди. Айни чоғда, аввалги ўрнида ҳозиргидагидан ҳам мўл ҳосил берган бўларди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши малакали таржимонлар сони камайиб кетаётган, янги, кадрлар етарли тайёрланмаган вақтга тўғри келди. Буни Ғ. Саломов таржимашунос, шунингдек, тил комиссияси аъзоси сифатида, айниқса, чуқур ҳис этди. Малакали таржимонлар, рўзнома ва журналларда, радио ва телевидение, кино, нашриётларда кундалик машқ, ижодий амалиёт жараёнида, ўқитувчилар, мутахассислар сабоғи, кўмаги, етакчилигида шаклланади, камол топади. Бу кафедрани ўз ўрнига ўтказилса айни муддао бўларди, деган фикр, истакларда жон бор.

Яқинда Ғайбулла Саломовнинг ижодхонасида бўлдик. «Мавж», «Довул», «Сурман Сулаймон», «Эрк ҳақида чўпчак», «Мантиққа раддия», «Дунёи буқаламун», «Оҳуни кўзлаб...», «Ҳиргойи ҳақида ҳиргойи» каби янги шеърлари, «Қассоб чумчуқни сўя олмаса-чи» деган баҳс-мақоласи, «Ихлосия шифохонаси» ҳужжатли очеркидан парчалар ўқиб берди, «таржима байрами» ўтказиш борасидаги режаларини гапирди. «Биламан, бу ёғимдан у ёғим яқин, пичоққа тор келиб қолган қин», дея бошланувчи хазин шеърини ҳазм қила олмаётганимизни, давомини эшитмоқчи эмаслигимизни рўй-рост айтдик, бошқа тизмаларини мириқиб тингладик.

«Ўзимни ўзим излайман
Тўрт бўлиб кўзим.
Етти ёт бегона каби
Ўзимга ўзим сўзлайман.
Инонинг: мен эмасман мен,
Кулманг аноён сўзимга.
Аё дўстларим!»,

Шоирлар, йўл беринг, таржимашунослар келаётибди.

Танишинг, биринчи лиганинг янги командаси:

«НАВБАҲОР»

Футбол жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларига қараганда Наманганда кўпроқ ривожланган. «Навбаҳор» биринчи лигада, «Косонсойчи» (Косонсой), иккинчи лига — Шарқий минтақада, «Ёшлик» (Тўрақўрғон) иккинчи лига Ўрта Осиё минтақасида, «Норин» (Ҳаққулобод), «Оқ олтин» (Учқўрғон) Ўзбекистон чемпионатида тўп сурадилар.

«Навбаҳор» ҳақиқатан ҳам бу йил жумҳур чиройли ўйинлари билан ишқибозларни хушнуд этди. Биринчи лигага бериладиган йўлланманинг биттасини қўлга киритишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган командадан бошқача ўйин кутиш мумкин эмасди-да. Дарвоқе, «Навбаҳор» клуби мамлакатимиз футбол клублари орасида иккинчи бўлиб «Днепр»дан кейин хўжалик ҳисобига ўтганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Бу дегани «ўз аравангни ўзинг торт». Аммо мавсум ўрталарида клубнинг молиявий иқтисодий аҳволи қийинлашди. Ҳатто ўйинчиларга маош тўлаш ҳам муаммо бўлиб қолди. Ўзингиз ўйланг, футболчининг рўзғорни тебратадиган бошқа даромади бўлмаса, у нима қилсин? Командaнинг тарқалиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Хайриятки...

Бугун клуб учун фидойилик қилган кишиларни айтиб ўтиш жоиз. Вилоят сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи, «Навбаҳор» футбол клубининг президенти Ҳакимжон Ҳошимов, машинасозлик заводи, вилоят дон маҳсулотлари комбинати, авиаип-газламалар комбинати, Наманган пахта тозалаш заводи ҳомийлик қилмаганда наманганлик футбол мухлисларига бугунги қувонч татирмиди?

Бу йил командада бироз ўзгариш бўлди. Гарчанд ССЖИ Футбол Федерациясининг янги низомига мувофиқ футболчи у командадан бу командага мавсум бошлангунга қадар ўтиши мумкин бўлса-да, И. Белов, А. Гридюшка, А. Романевлар ўз билганларидан қолмадилар. Командани тарк этдилар. Уларнинг ўрнини Сергей Пасько, Валерий Абрамзон, Михаил Левин, Виталий Ли мавсумда дадил ҳаракат қилиб қоюқлар ўрнини билдирмишади. Командада бу йил қуйидаги таркибда майдонга чиқди. Андрей Страхов, Игорь Пестрецов, Александр Иванов, Сергей Пасько, Мустафо Байрамов (сардор), Вячеслав Попов, Михаил Левин, Элдор Сакаев, Сафар Алибоев, Валерий Абрамзон, Рафик Гильманов, Валерий Шушляков, Равиль Раҳимов, Фёдор Давлатов, Виталий Ли, Акмал Тўлаков, Асқад Абдулин. Бош тренер РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Игорь Семёнович Волчок, тренер ССЖИ спорт мастери Усмон Асқаралиев, команда бошлиғи Анвар Сулаймонов.

Рўйхатдан кўриниб турибдики, командада деярли маҳаллий миллат вакиллари учрамайди. Истардикки команданинг ҳеч бўлмаганда тенг ярмини маҳаллий футболчилар ташкил қилса. Иқтидорли ўзбек футболчилари йўқ эмас, бор. Лекин уларга назари тушадиган йўқ!

6 ноябрь Наманган футболида энг унутилмас сана бўлиб қолса ажаб эмас. Маълумки, чемпионат тугашига икки тур қолганда «Нефтяник» биринчи лигага чиқиб олди. Иккинчи йўлланма учун учта команда — «Океан, «Навбаҳор», «Амур» даъвогарлик қилаётганди. 41-турда «Океан» «Автомобилчи» (Қўқон)га 0:1 ҳисобига ютқазиб қўйган бўлса, «Навбаҳор» «Звезда» (Пермь)ни 2:1 ҳисобида ютиб, орадаги фарқни бир очкога қисқартирди.

«Иртиш» билан бўлган ўйинда «Навбаҳор» йирик ҳисобда — 3:0 ғалаба қозонди. Ўйингоҳ дикторининг Фарғонадан келган хабарни ўқиб эшиттириши биланоқ бутун ўйингоҳ узра қувонч садолари янгради. Энди мухлислар бараварига «Навбаҳор», «Навбаҳор»... «Навбаҳор»... дея олқишлай бошладилар. Кўп ўтмай таблода «Навбаҳор» — биринчи лигада!» деган зарҳал ёзув пайдо бўлди. Бир тўда мухлислар майдонга — ўйинчилар томон югуришди. Ўйинчиларни кўтариб хурсандчиликлари йиғлаганлар қанча.

— 44 минглик ўйингоҳимизда ҳеч қачон бундай қувончли воқеа бўлганлигини кўрмаганман, — дейди «Навбаҳор» ишқибозлар клуби раиси Шокир Аҳмедович Қорабоев.

Биз футбол тўғрисида гап очганимизда, одатда мухлисларни беодобликда, безорчиликда айблаймиз. Ҳар бир ўйиннинг қизиқарли ўтиши уларнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ эканлигини унутиб қўяр эканмиз ахир. Агар баҳо бериш лозим бўлса, Наманганлик мухлисларнинг энг одобли, футболни тушунадиган мухлислар деган бўлардим. 90 минут давомида биронта мухлис оғзидан на футболчиларни, на футболчиларни ҳақоратлайдиган қўпол сўз чиққанини эшитганим йўқ. Ҳақиқий ишқибоз шундай бўлади-да.

Шу ўринда ўйингоҳ маъмуриятининг хайрли ишларини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўйин бошлангунга қадар бу ерда таниқли хонандалар чиқишса, танаффус пайтида «Навбаҳор» ишқибозлар клубининг раиси командаларнинг турнир жадвалидаги вазиятлари билан таништиради. Қисқаси, ўйингоҳга келганлар учун футбол байрам. Зерикишмайди. Улар бир тўда майдонларида, балким ўзгалар майдонида ҳам қўллаб турищади. «Океан» билан бўлган ўйинга 85 киши борди. Ашаддий ишқибозлар Боқижон Ҳошимов, Йўлдошбой Икромов, Нўъмонжон Валимамаловларга 9 минг чақиримлик йўл ҳам хеч гап эмас экан. «Жигули ВАЗ—2109» енгил машинасида 4 кунлик йўл босган бу шоввозларни кўриб, Узоқ шарқликлар ҳайратланишганди.

Бу йил Ўзбекистон спорти учун қийинчилик ҳам омадли йил келди. «Нефтяник» ва «Навбаҳор» бизнинг биринчи лигага йўлланма олиш. Урта Осиё жумҳуриятлари мухлислари учун ҳам қувончли воқеа бўлди. Қўлимизда бир хат бор. Унда «севимли «Пахтакор» командамизнинг ўйинлари Ўзбекистон ойнаижаҳони орқали узлуксиз олиб кўрсатилди. Энди биринчи лигага чиққан Ўзбекистон командаларининг ўйинларини ҳам ойнаижаҳонда олиб кўрсатиладими? деб сўралган. Албатта, ҳамманинг ҳам ўйинларини бориб кўриш имконияти йўқ Айниқса, рақиблар майдонида бўлганларини. Бу масалани Ўзбекистон ССЖ телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ижобий ҳал этади деган умиддамиз.

Мирза АБДУЛЛА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

«Фарғона дурдонаси —90» деб аталган базм рақси ижрочилари мусабақасига мамлакатимизниг барча томонларидан қатнашчилар келишди. Фарғонадаги «Кимёгар» маданият саройининг саҳнасига Москва ва Тюмень, Комсомольск-Амур ва Жамбул, Чимкент ва Тошкент, Бухоро ва Фарғона, бошқа кўпгина шаҳарлардан келган рақс жуфтлари бирин-кетин чиқишди. Мусобақада қатнашаётган ўттиз етти жуфтнинг ҳаммаси жуда мураккаб хореография элементларини бажаришда юксак маҳорат кўрсатишди.

Бир неча йилдан буён Фарғонадаги «Кимёгар» ва «Нефтчи» маданият саройлари ҳузурида, 1-шаҳар маданият уйида базм рақслари студиялари ишлаб турибди. У ерда тар-

НАФОСАТ, НАЗОКАТ, ГЎЗАЛЛИК...

биялангaнлар обрўли мусобақаларда қатнашиб, ўз қобилиятларини намойиш этишмоқда. Улар ўтган йил баҳорида бу ерда бўлиб ўтган жумҳурият мусобақасида кўплаб машҳур раққослар билан жиддий рақобат қилган эдилар.

Ҳакамлар ҳозирги мусобақаларнинг ғолибларини аниқлашди. «Д» синфида чимкентлик Татьяна Тарасенко ва Денис Ермолаев жуфти, «С» синфида Комсомольск-амурлик Ася Костицина ва Александр Горковенко ғолиб бўлдилар. Европа рақсларини ижро этишда чимкентлик Ольга Саламатина билан Роман Пак, Лотин Америка рақсларини ижро этишда тюменлик Ольга Селиверстова билан Владислав Измаиловдан иборат рақс жуфти энг яхши ижрочилар деб топилди.

(ЎзТАГ).

ТВ

15 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Уруғга яширинган сир. 12.00 «Қувондиқ Искандаров куйлайди. Фильм-концерт. 12.30 Болалар учун фильм. «Болалар денгизни орзу қилишади». 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Зина, Зинуля». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Сахий эртак». Мультфильм. 18.25 «Замин саховати». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёшлик оқшоми». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақслар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар: «Мафин ва унинг қувноқ дўстлари», «Полизчи хўтик». 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 10.40 Композитор Е. Доганинг ижодий кечаси. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 Коллаж. 13.00 «Вақт».

* * *

17.15 «Педагогика ҳамма учун». Телетомошабинларнинг саволларига ССЖИ Давлат таълими раисининг ўринбосари И. П. Смирнов жавоб беради. 17.45 «Объектив». 18.15 Халқ куйлари. 18.30 Сиёсий мулоқотлар. 19.00 «Вақт». 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 «Ариадна ипи». Телевизион ҳужжатли фильм. Молдова миллий либоси ҳақида (Кишинев). 20.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 П. И. Чайковскийга бағишлаб Тольятти шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ фестивали. 23.30 «ТСН». 23.45 Эстрада концерти. 00.05 «Воқеалар ва мулоҳазалар». Совет ва Англия жамоат арбобларининг телемулоқоти.

● МТ II

17.30 Д. Шостакович. 9-квартет. Грузия ССЖ Давлат телерадиосининг торли квартети ижро этади. 18.00 Ритмик гимнастика. 18.30 «Вертикаль». «Ман этилган қўшиқчалар». Ҳужжатли фильм премьераси. 1968 йилда Новосибирск академиклар шаҳарчасида бўлиб ўтган муаллифлик қўшиқлари фестивали ҳақида (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси). 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 Коллаж. 19.35 «Унинг исми — Жавоҳарлал Неру». Ҳужжатли фильм. 19.55 «Бир куни Кусковода». Л. Якобсоннинг хореографик миниатюралари.



А. Поёновни нафақат Охунбобоев номли давлат хўжалигида, балки бутун Сурхон воҳасида бахши сифатида яхши билишади. Бирор тўй ва томоша усиз ўтмайди. Асли касби муҳандис бўлса-да, Абдуназар ака бўш пайтларида ўзи севган машғулот билан шуғулланади. Унинг муҳаббат, тинчлик, бахт ҳақидаги қўшиқлари тингловчилар қалбини забт этган. Бугунги кунда Абдуназар ака ўнлаб шогирдларига мураббийлик қилмоқда.

СУРАТДА: бахши-шоир Абдуназар Поёнов шогирди Асад Жабборов билан.

И. ХЎЖАЕВ сурати. (ЎзТАГ).

МИННАТДОРМИЗ

Кейинги йилларда жумҳуриятимиз қишлоқларида тиббий ёрдам хизмати аянчли аҳволда эканлиги тўғрисида рўзномаларда бот-бот мақолалар ўқийдиган бўлиб қолдик. Ойнаи жаҳон ва сўзнигорлар ташвишли хабарлар бермоқда. Маълумки, дори-дармонсиз, техникасиз бир дақиқа ҳам ишлаб бўлмайди.

Биз бир гуруҳ Боғот ноҳиясидаги «Қизил работ» участкаси «Тез ёрдам» пункти ходимлари жуда кўп ташкилотларга ёрдам сўраб аризалар ёздик. Мақсадимиз: участкамиздаги яроқсиз «Тез ёрдам» машинасини янгиси билан алмаштириш эди. Лекин аризамизга ҳеч бир ташкилотдан ижобий жавоб олмадик. Сўнг сизларга, «Ёш ленинчи» рўзномасига ёрдам сўраб ариза ёзишга мажбур бўлдик. Раҳмат. Аризамизни инобатга олиб Соғлиқни сақлаш вазири С. Баҳромовга юборибсизлар. Ниятимиз амалга ошди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Қизил работ»чиларга янги «Тез ёрдам» машинаси ажратди.

Бозорбой САИДМУРОДОВ,
«Тез ёрдам» ҳайдовчиси.

ҲОТАМТОЙЛИККА БЕРИЛГАН МУКОФОТ

Инсоннинг феъли шунақа. Кўнгли хушламаган кишисиниям у муваффақиятга эришса муборакбод этади. Баъзиларини эса сидқидилдан табриклайсан. Худди ўзинг эришганингдек.

Биздаям шу ҳол кечди. Куни кеча В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти Мухтор Шапсановни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармонини ўқиб, шодландик.

Мухтор ака ким? Қандай хислатга эга. Бу ҳақда рўзномамизда қайта-қайта ёзганмиз. Шундай эсада, бугун яна такрорлаймиз. Бировлар уни порахўр дейди. Бошқаси пул топиб ақл топмаган одам дейди. Яна кимдир жайдари фикрларини ёқтирмаслигини айтади. Хуллас, домла ҳақидаги фикрлар ҳар хил. Аммо, ким нима дейишидан қатъий назар бир нарса аниқ — М. Шапсанов шу пайтгача жумҳуриятимизда ҳеч ким қилмаган ишни амалга оширди. Она қишлоғи — Китоб ноҳиясидаги Уртачил қишлоғида ўз жамғармасидан минглаб сўм сарфлаб, мактаб қурдирди. Бундай кишилар рағбатлантиришга арзийди. Шунинг учун ҳам биз ҳотамтой муаллимни табриклаш ниятида хонадонига сим қоқдик. Аммо Мухтор акани топиб бўлмади. У киши ўзи бунёд этган мактаб атрофини боғ этиш ниятида Қашқадарёга кетибдилар.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

ОБУНАЧИЛАРГА 6 ТИЙИН, СОТУВДА ЭСА 10 ТИЙИН

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котибияти 1991 йил учун ёшлар ва болалар нашрларига обуна бўлишнинг аҳволини кўриб чиқди. Унда нашрлар нархининг анча ошганлиги обунага жиддий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди.

Котибият «Ёш ленинчи» рўзномаси бир нусхасининг нархини обуначилар учун 6 тийин, сотувда эса 10 тийин қилиб белгилаш ҳақида қарор қабул қилди.

Қадрли муштарийлар! Агар ўз вақтида «Ёш ленинчи»га 12 сўмга обуна бўлсангиз, 8 сўмни тежаб қолган бўласиз. Энг муҳими эса, алоқа ходимлари рўзномани уйингизга ўз вақтида етказиб беришади.









«Ёш ленинчи»га ёзилсангиз... пулингизга ачинмайсиз

— «Теша тегмаган» янгиликлар;
— Давр ғаддорликларию, умидворликлари;
— Ўзбекистондаги, Ўрта Осиёдаги ва мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар таҳлили;
Тарих жумбоқлари ва истиқбол муаммолари;
— Руҳиятшунослар, ҳуқуқшунослар, фолбинлар (астрологлар) маслаҳати;
— Ўтмиш лавҳалари ва қадриятларимиз, маданий меросимиз ва ўзбек тили равнақи;
— Ва ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ҳақида мунтазам маълумотларга эга бўлишни истасангиз.

«Ёш ленинчи» рўзномасига обуна бўлишни унутманг.

Обуна давом этмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ПАХТАКОР» ФУТБОЛ КЛУБИ
ЖУМҲУРИЯТ МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМҒАРМАСИ
«ПАХТАКОРЧИ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ КЛУБИ.
15 НОЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА
ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА

«ПАХТАКОР» КОМАНДАСИНИ ШАРАФЛАЙДИЛАР

Кеча дастуридан: ўйинчиларга ССЖИ биринчилигининг кичик кумуш медалларини, **И. Шквиринга** «Комсомолец Таджикистана» рўзномасининг «ТЎПУРАР БУТСИ» совринини топшириш, артистларнинг чиқишлари, хайрия лотерея ўйин—футбол анжомлари савдоси ўрин олган.

Патталар Темирйўлчилар маданият саройи кассаларида 14 ноябрдан бошлаб сотилади.

Кириш (хайрия) паттасининг баҳоси — 2 сўм.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ
ИЖАРА ПУДРАТИДАГИ ТОШКЕНТ «ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИП ЙИГИРИШ БИРЛАШМАСИГА

йигирувчилар, тўқувчилар, раклистлар, оқартирувчилар, пардозловчилар, ўровчи, айлантирувчи, буровчи машиналарнинг операторлари; токарлар, фрезерчилар, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика чилангарлари ва ана шу касбларни ўрганмоқчи бўлган барчани

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3—6 ОЙ.

Меҳнат ҳақи — ишбай. Ойлик маош 250 сўмдан 1.000 сўмгача.

Бирлашма бошқа шаҳардан келганларни ётоқхона ва прописка билан таъминлайди.

Тўқимачиларнинг болалар боғчалари ва яслиларга бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилади. Тиббиёт-санитария қисми, поликлиника, профилакторий, Тошкент денгизи яқинида истироҳат маскани ва тоғ ён бағрида пионерлар оромгоҳи, «Тўқимачи» спорт комплекси ва Маданият саройи, ўзининг ёрдамчи хўжалигига эга.

Ошхоналар, сабзавот ва озиқ-овқат магазинлари, буғ ҳаммоми билан маиший комплекслар, пардоз салонлари, сартарошхоналар ишлаб-чиқаришдаги ишчилар хизматига шай турибди.

Комбинатда танқис моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинади.

Боғ ва хусусий турар жой қурилиши учун ер участкаси олиш учун қулай имкониятлар мавжуд.

СИЗНИ КОРХОНАНИНГ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЖОЙЛАШГАН МУТАХАССИСЛАР БЎЛИМИДА КУТИШМОҚДА: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 6-уй (33, 34, 45, 79, 182, 69-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефонлар: 53-20-16, 53-97-09.

Шунингдек, Фрунзе ноҳияси аҳолини ишга жойлаштириш бўлими (Ш. Руставели кўчаси, 87-уй)**дан ҳам маълумот олиш мумкин.**

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28614.